# КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# Kitob dunyosi

№ 11 (325)
2020 йил
24 июнь.
Газета ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанбасида чоп этилади.

Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета




Носир ХИСРАВ,
Шарқ мутафаккири

**Иқтидоринг етмаган ишни қилма, сабабсиз ўзингни донишманд билма.**





ВОЛТЕР,
француз мутафаккири

**Сиз китоблардан жирканасиз, ҳаёти беҳуда шуҳратпарастлик домига ғарқ бўлган – сиз лаззат ва ялқовликка интиласиз; аммо ёдингизда бўлсин, бу дунёда ёввойи халқлардан бўлак бошқа нарсалар, албатта, китоблар ёрдамида бошқарилади.**

## Бизни билган билади, билмаган ўзи билади.

Жалолиддин РУМИЙ



Рэй БРЭДБЕРИ,
АҚШ ёзувчиси

## МЕН СИЗНИНГ ЁШЛИГИНГИЗГА ҲАВАС ҚИЛАМАН

8-бет

*(2000 йили Калифорния технология институти битирувчиларига сўзлаган нутқи)*

Бугун шу ерда йигирма ёки ўттиз йилдан сўнг Марсда истиқомат қилиши мумкин бўлган бир қанча инсон ўтирибди. Мен сизларга чиндан ҳавас қиламан. Мен Қизил сайёрага инсон қадами етган кунга қадар ҳаёт бўлишни орзу қиламан. Мен бундан бир неча йил олдин Викинг Ландер фазо кемаси ўша сайёрага қўнганда, реактив ҳаракат лабораториясида бўлганман. У ерда Карл Саган, Брюс Мюррей ва бошқа бир қанча таниқли кишилар бор эди. Марсдан дастлабки суратлар келгач, Рой Нилл "Жаноб Брэдбери, бунга нима дейсиз? Ўттиз йилдан буён сайёрада ҳаёт мавжудлиги, марсликлар истиқомат қилиши тўғрисида ёзасиз.



Вадим ТЕРЁХИН

## Ижодкорлик – ҳамиша биз билан бирга бўлувчи байрам

2-бет

Россияда қўлига қалам олган ҳар бир инсон ортида Пушкин, Лермонтов, Достоевский, Толстой, Чехов, Бунин, Тютчев, Маяковский, Есенин ва бошқа кўплаб рус ҳамда жаҳон мумтоз адабиётининг забардаст намояндалари туради. Албатта, уларга тенглашиш биз учун осон эмасдир, бироқ улар томондан яратилган анъаналарни давом эттириш, рус адабиёти ривожи учун кичик бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшиш имконига эгамиз.

Ангела де ЛЕО (1942),
италиялик адиба ва адабиётшунос



**Баъзан оғир хаёлларга толаман. Бефарқлик билан вайрон қилинган дунё аро шеър учун нажот воситаси бўлиш имконияти борми? Мен учун ёзиш бу ҳаёт товушларини ифодалаётган сон-саноқсиз овозларни тинглай билиш: гўзал нарсалар, куй, орзу, гуллар, ўтлоқлар, сувлар, булутлар, тўлқинлар, денгиз ва ҳамма-ҳаммаси...**

## ЎЗИМИЗНИ КУЧЛИ, ЯНАДА БАХТЛИ ҲИС ҚИЛИШИМИЗ ЛОЗИМ

Айтмоқчиманки, инсон ҳали "қашшоқ бўлмаган" (Карло Сини) ибтидоий одамлар қилганидек, табиат овозларини тинглашга қайтиши керак.

Ер юзида шеър ўқиб улғаяётган болаларга бир эътибор беринг. Улар ҳайратда. Улар ҳайратлана билишади. Ўз кунларини режалаштиришмайди, уларга шеър вақт оқимига қарши чиқмасдан дунёни кашф қилишни ўргатади.

Биз катталар вақт ажратиб, маълум чегараларни белгилаб қўйиб, мажбурий қилиниши керак бўлган ишларни белгилаймиз, агар биз ўзимиз эришмоқчи бўлган лойиҳаларни амалга оширишни истасак, ўша режаларга амал қилишимиз керак.

4-бет



Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон Халқ шоири

## Ниҳол эк эзгулик боғига, инсон, Юрибсан то кафандан ташқарида.

*Чамандирсан чамандан ташқарида,*
*Чаманлар бари сандан ташқарида.*

*Менинг жонимсан, эй сарви дилоро,*
*Менинг жоним бадандан ташқарида.*

*Лабу холу хатинг берким, на топгум*
*Юриб бу анжумандан ташқарида?*

*Муҳаббат жон билан кўнгил фанидир,*
*Надир ҳолинг бу фандан ташқарида?*

*Ниҳол эк эзгулик боғига, инсон,*
*Юрибсан то кафандан ташқарида.*

*Ўзингдан ичкари кир, дилга киргил,*
*На бордир жон ва тандан ташқарида?*

*Ватан ичра сафарлар айла, эй дил,*
*Ватан бўлмас Ватандан ташқарида.*

## Бу – сенинг уйингдир...

*Баъзан боғларимни*
*Чулғар хавотир,*
*Баъзан Ер шаридан*
*Оғирдир ўйим.*
*Олам – бир осмон,*
*Бир обу ҳаводир,*
*Бу – сенинг уйингдир,*
*Бу – менинг уйим.*

*Бу дашту далалар,*
*Боғлар ҳам мендан,*
*Бу тупроқ – буғдой бўй,*
*Ҳандалак бўйим.*
*Сенинг кўксингдаги*
*Доғлар ҳам мендан,*
*Бу – сенинг уйингдир,*
*Бу – менинг уйим.*

*Сен Ватан дейсану*
*Порлар юзларинг,*
*Менинг юртим ҳам ўз*
*Рангу рўйимдир.*
*Талпиниб келгувчи*
*Ўғил-қизларинг –*
*Бу – сенинг уйингдир,*
*Бу – менинг уйим.*

*Сенинг осмонўпар*
*Биноларингдан*
*Силкинди менинг ҳам*
*Чинордай бўйим.*
*Дарз кетди менинг ҳам*
*Минорларимга,*
*Бу – сенинг уйингдир,*
*Бу – менинг уйим.*

*Баъзан назар солсанг*
*Ўзга юртларга,*
*Бағри тўлиб ётар*
*Олов, дудларга.*

*Одамзот кетмоқда хор,*
*Уюм-уюм,*
*Бу – сенинг уйингдир,*
*Бу – менинг уйим.*

*Менинг ука-синглим*
*Сенга ҳам ука.*
*Синглинг тўй қилса гар –*
*Менинг тўйимдир.*
*Замин – қон-қардошлар*
*Йиғилган ўлка,*
*Бу – сенинг уйингдир,*
*Бу – менинг уйим.*

*Менинг ҳам шаҳримнинг*
*Кўксида доғлар,*
*Узмоқчи бўлдилар*
*Бошлаган куйим.*
*Денгизлар ортидан*
*Боқдингми бир бор:*
*Бу – сенинг уйингдир,*
*Бу – менинг уйим?!*

*Дунё томи узра*
*Нурли ҳалқалар,*
*Тинчлик – эрмак эмас*
*Ва ё бир ўйин.*
*Айтсалар бирлашиб*
*Давлатлар, халқлар:*
*Бу – сенинг уйингдир,*
*Бу – менинг уйим.*

*Мен йироқ кетсам гар,*
*Ўртангай онам,*
*Сенинг ҳам волиданг*
*Йиғлагай юм-юм.*
*Оналар интизор турган*
*Шу олам –*
*Бу – сенинг уйингдир,*
*Бу – менинг уйим.*

Касал одамлардан кўра, касал сўзлар ва касал туйғулар хавфлироқ бўлади. Уларнинг юқиши осон... Ёнидан ўтиб кетсанг ҳам сени ўз домига илинтиради, тафаккурингни заҳарлайди. Мен касал одамлардан кўра, касал сўзлар ва касалланган туйғулардан кўпроқ қўрқаман.

Хосият РУСТАМОВА





Фам Ван ТУ,
вьетнамлик рассом,
Вьетнам тасвирий санъат ассоциацияси аъзоси

## САНЪАТ ТАРЖИМАГА МУҲТОЖ ЭМАС

**– Шундай бир ҳақиқат мавжуд – мусаввир таржимонга, суратлар таржимага муҳтож эмас! Бу касбнинг энг ҳавас қиладиган жиҳати шу. Сиз бу ҳақида нима дея оласиз?**



– Дарҳақиқат, чинакам санъат таржимага муҳтож эмас. Унинг ягона тили – бу кўнгил. Худди шундай, суратларни ҳам қалб билан томоша қилмоқ даркор. Уларни англашнинг ҳам ўз сир-асрори бор. Ўзингиз эслатганингиздек, мусаввирлар таржимонларга, расмлар таржимага муҳтож эмас. Биласизми, бу жараён жўшқинлик, фикрлаш, ғоялар, рассомнинг асари ва ифодасини мужассамлаштирадиган уйғунликдаги ижоднинг чўққисидир. Бу миллати, ёши, маълумоти, келиб чиқиш, дини ва дунёқарашидан қатъи назар, инсониятни бир-бирига яқинлаштиришга ёрдам бериш учун ижтимоий бирлашув, бир-бирини тушуниш, ҳамжиҳатликка олиб келади. Шундай экан, барча рассомлар ҳар бир асарида одамлар ва улар ўртасидаги маданий ижоднинг ҳақиқий қадриятларини, қувонч ва ўзларини ҳамда бир-бирларини ҳурмат қилишга илҳомлантириш учун бор кучларини сафарбар этишга ҳаракат қилишади, ҳаётга ишонишади.

**– Мамлакатингизда рассомга ва шоир-ёзувчиларга бўлган муносабат сизни қониқтирадими?**



– Мен ўз мамлакатимдаги санъаткорлар ва шоирларга бўлган муносабатдан жуда мамнунман. Менга машҳур одамлардан кўра кўпроқ истеъдодли одамлар ёқади.

**– Нима учун сурат соласиз? Чизолмай қолишингиз ҳам мумкинми?**

– Санъат менинг бир бўлагим бўлгани учун ҳам сурат соламан. Шундай экан, ватанимга нафим тегадиган даражада кашф этишни ва яратишни яхши кўраман, мана шу ҳаёт учун дунё билан жипслашув ва ривожланиш даврига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Камина ўн йиллаб давлат идораларида ишлаганимдан сўнг (1981 йилдан то 2020 йилгача) истеъфога чиқишга қарор қилдим. "Барча меҳнат қилади", деган шиорим билан мен ўзимнинг шахсий лойиҳамда ҳам муваффақият қозонишга умид қиламан, мени ҳамма қўллаб-қувватлашини истайман. Бинобарин, "Ҳамма учун арзон нархда" чорлови остида замонавий санъат асарларини яратиш қалбим матлабидир.

**– Бутун дунёдаги хамкасбларингиз ва ижодкорларга тилакларингиз...**

– Мен ижодкорларни ҳурмат қиламан. Бутун дунё бўйлаб ҳамкасблар ва ижодкорларнинг янги асарларини ўрганишни истайман. Халқаро жипслашув борасида гап кетганида, каминага миллийликни, миллий руҳни йўқотиш ёқмайди.

Гулруҳ ИСЛОМАЛИЕВА суҳбатлашди

**Ҳар бир одамда отамерос, онамерос феъл-атвор, қарашлар, тушунчалар мавжуд. Демакки, ҳар бир одамнинг авлодларга қолдиражаги бор. Табиийки, ҳар бир миллатнинг-да ўз фарзандларига асраганлари, атаганлари бор. Булардан энг улуғлари: бири озод Ватан бўлса, бири, шубҳасиз, она тилидир. Бугунги авлодлар маънавиятини бойитаётган илм-маърифат сарчашмалари мавжланиб турган экан, демак, бу ота-боболаримизнинг бизга қилган иноятидан нишона.**

**Милатимиздан илм, маърифат тортиб олинаётган бир замонларда, маърифатпарвар жадидларимизнинг каламида илму урфон зиёси бўлиб порлаган матбуот — илк қадамларини зафарли одимлади. Шубҳасиз, иши ватанпарварлик, ўйи миллатининг, халқининг эртаси порлоқ, ёшлари илми урфон соҳиблари бўлишини орзулайдиган миллат оийдинлари борки, бу маёқнинг ёлқинига ёлқин қўшмаган бирор кун бўлса. Мана шундай марифатпарварларига, зиёлиларига – маънавий чашмаларга бой бўлган халқимизни шундай хазиналари билан, юрти учун ҳақ сўзни ҳақ тарафда туриб айтишдек шараф эгаларини 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан муборакбод этамиз.**

# МАТБУОТ – МАЪРИФАТ МАЁҒИ



Ҳар миллатнинг уламоси, аҳли қалами, мутафаккири ўз миллатининг оияндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насиҳат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар, китоб ва газет ила умматни муслиҳи учун баҳс ва муколамалар қилурлар.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ



Газетада биринчи хабарим чоп этилганига салкам олтмиш йил бўлди. Ҳали-ҳануз битта мақола ёзиш учун неча кунлаб эринмай материал тўплайман, факт, рақам йиғаман, газета-журналларнинг эски сонларини варақлайман, фикримни жамлайман, қоғозга тушган мисраларимни қайта-қайта таҳрир қиламан.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



Яхши билиш керакким, қалам ўқлоғи ва матбуот кетмон бозори эмас. Йўсунсиз равишда хотирға келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир. Сўз қолиб, фикр унинг ичига қўйилған ғишт бўлсин, кўбчилик хумдонидан пишиб чиқғач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!

Абдулла ҚОДИРИЙ



Ёзганларим нимагадир хизмат қилган-қилмаганини айтиш менинг вазифамга кирмаса керак. Буни тусмолламоққа ҳам ҳаддим сиғмайди.

Мен ўзимни камтарин бир қаламкаш санайман, қаламдан бошқа қуролим йўқ, бошқасига даъво ҳам қилолмайман.

Эркин АЪЗАМ



Ҳар миллатнинг мактаб ва мадрасаси ўлдиғи каби, бизни ҳам мактаб-мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул ўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмас. Ҳар миллат авлодини тарбиялаш ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва ғафлат зулматида қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганча таълим ва тарбияти авлодда қусурлик кўрсатмакчи зотлар мавжуддирлар.

Мунавварқори АБДУРАШИДХОНОВ





Мен ўзимга қарши бориб ёзганимни эслолмайман. Ёки жуда кам ёздимми? Билмадим. Мен биронта мақоламда, бадиий асаримда хижолат бўладиган ўрин, эътиқодимга қарши борган жойим йўқ.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД



Бизда бир гап бор: биров бир қалтис гапни билмасдан айтиб қўюб жуда изза бўлуб кетса, орқасидан қизаруб-бўзаруб туруб: "Суяксиз тил экан, тойиб кетди", – деб қўядур. Рост, тил суяксиз, тойиб кетса мумкин. Лекин қалам деган нарса тилдек эмас. У ё қамишдан, ё темирдан, ёки ёғочдан ясаладур. Замонанинг маданий қалами бўлса, мутлақ пўлат учлик бўладур. Пўлат-а, пўлат! Унинг тойиб кетиши хийла қийин.

Абдулҳамид ЧЎЛПОН



Сўз эркинлиги буюк неъмат. Аҳли фикр учун бу сув билан ҳаводай азиз. Бу неъмат бизга берилди. Лекин биз бунга тайёрмизми, деб ўйлаб қоламан. Мен сўз эркинлигини катта масъулият сифатида тушунаман. Ўз сўзингни бу менинг сўзим деб айта олиш одамдан маънавий тайёргарликни талаб қилади.

Эшқобил ШУКУР

***Россияда қўлига қалам олган ҳар бир инсон ортида Пушкин, Лермонтов, Достоевский, Толстой, Чехов, Бунин, Тютчев, Маяковский, Есенин ва бошқа кўплаб рус ҳамда жаҳон мумтоз адабиётининг забардаст намояндалари туради. Албатта, уларга тенглашиш биз учун осон эмасдир, бироқ улар томондан яратилган анъаналарни давом эттириш, рус адабиёти ривожи учун кичик бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшиш имконига эгамиз.***



**Вадим Терёхин 1963 йилда Тула вилояти Суворов туманидаги Песоченск посёлкасида таваллуд топган. Шоир, Россия Ёзувчилар уюшмаси ҳамраиси, Россия Ёзувчилар уюшмаси Калуга вилоят бўлими бошқаруви раиси, Рус ижодиёти халқаро академияси вице-президенти, Санкт-Петербургдаги Петровск Фанлар ва санъат академияси мухбир-аъзоси, Москвадаги Рус ижодиёти академиясининг ҳақиқий аъзосидир.**

# Ижодкорлик — ҳамиша биз билан бирга бўлувчи байрам

Вадим Терёхин ёш ёзувчилар учун демократияни қўллаб-қувватлаш Бутунроссия фонди мукофоти (1996), Тарас Шевченко номидаги Бутунукраина адабий мукофоти (2018), Георгий Гребенщиков номидаги Бутунроссия адабий мукофоти (2012), Эдуард Володин номидаги "Империя маданияти" халқаро мукофоти (2012), Россия Федерацияси Марказий Федерал округининг адабиёт ва санъат соҳасидаги мукофоти (2009), Марина Цветаева номидаги адабий мукофоти (1998) совриндори, "Олтин Витязь" Халқаро славян адабий фестивали ғолиби.

**– Вадим Фёдорович, мамлакатингизда адабиёт ва санъатга бўлган эътибор қандай?**

– Россия – адабий мамлакат дейиш муболаға бўлмайди. Шу қадар адабийки, расман ёзувчи деган касб мавжуд эмаслигига (касблар рўйхатида бундай мутахассислик йўқ) қарамай, ёзадиган, ижод қиладиган, сўзларни қофияга соладиган (айниқса!) инсонлар сони вақт ўтиши билан камаймай, аксинча кўпайиб бормоқда. Баъзида юртимизда 150 миллион яширин ижодкор бормикин, деб ўйлаб ҳам қоламан. Чиндан ҳам, бугунги кунда ҳар бир ватандошим қайсидир маънода ижодкор. Бу каби инсонлар Фейсбук, вКонтакте, Одноклассники каби ижтимоий тармоқларида жуда фаол, у ерда турли фикрлар қолдиришади, мустақил қарашини ҳимоя этишади, камчиликларни танқид қилишади. Бундайлар вазиятни қандай яхшилаш борасида ўз қарашига эга бўлиб, кўпинча баҳсларда ғолиб ҳам чиқишади.

Россияда қўлига қалам олган ҳар бир инсон ортида Пушкин, Лермонтов, Достоевский, Толстой, Чехов, Бунин, Тютчев, Маяковский, Есенин ва бошқа кўплаб рус ҳамда жаҳон мумтоз адабиётининг забардаст намояндалари туради. Албатта, уларга тенглашиш биз учун осон эмасдир, бироқ улар томондан яратилган анъаналарни давом эттириш, рус адабиёти ривожи учун кичик бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшиш имконига эгамиз.

**– Шеърият дунёни қутқаришига ишонасизми? Мисоллар келтирсангиз....**

– Шеърият дунёни қутқармайди, у оламнинг кўзга кўринмас, мустаҳкамловчи асосларидан бири саналади. Биз дунёни қутқариш борасида сўз юритар эканмиз, биринчи навбатда ўзимиздан ҳимоя қилишга муҳтож бўлган шеъриятни қутқаришни назарда тутамиз. Шу билан бир қаторда, одатий турмуш тарзида бу ишни у қадар уддалаёлмаётганимизни ҳам эътироф этамиз. Бизнинг тажрибамиз турмуш ташвишларининг нисбатан беҳудалигини кўрсатмоқда. Аммо гап шундаки, шеърият амалий эмас, умумий тарзда айримлар учун бироз мавҳум туюлувчи руҳий мақсадларга хизмат қилади. Шеърият инсониятга бани башарнинг аслида ноаниқ ва тушунарсиз мақсадларни амалга ошириш учун бу дунёга келган, фоний, якка-ёлғиз, бахтсиз мавжудодликдан анчайин юқори туришини кўрсатиб бера олади. У инсониятга руҳий комиллик бахш этади, бизнинг айни вақтда яшаётган ва ҳис қилаётган фоний ҳаётимиз билан кўзга кўринмас, ақл-идроқ билангина англай оладиган, алал оқибат, ердаги вазифамизни бажариб бўлгандан сўнг биз учун ҳақиқий ҳаёт бошланадиган дунё ўртасидаги нозиқ алоқа саналади.

**– Шахсан сиз учун ижод ва ижодий жараён нима?**

– Мен учун ижод Инжилнинг "Дастлаб сўз яралган" каломидан бошланади. Исталган ижодни илоҳийликдан айри ҳолда талқин қилиш мумкин эмас. Шеърият ҳар бир жонзот, ҳодиса ва буюмда мавжуд, унинг барча нарсаларда мавжудлигини англашга қодир бўлган ҳамда уни бошқаларга намоён эта билган инсонлар ШОИР деб аталади.

Ижодкорлик Эрнест Хемингуэй таъкидлаганидек, "Ҳамиша биз билан бирга бўлувчи байрамдир". Ҳар бир инсонга туҳфа қилинган ижодий қобилият аслида ёрқин туйғулар, оддий ҳаёт тарзи чегараларидан чиқиб кетадиган, инсон иродасидан ташқари мавжуд бўлган, бироқ унинг ҳаётига мазмун бахш эта оладиган қандайдир улкан оламни англаш ва унга дахлдорликни ҳис қилишга имкон берадиган том маънодаги инъомдир.

Ҳақиқий санъат асари ҳатто фожиавий якун топганда ҳам ҳар бир инсон ҳаётида дуч келадиган кулфат ва қийинчиликларни енгиб ўтишга куч ато қилади. У ўзини четдан кузатиш, ўз хатти-ҳаракатларини холис баҳолаш, хатоларини тузатиш имконини беради ҳамда ижодкорни янги ишларга руҳлантиради. У қайғуриш, ҳамдардлик уйғотади, ўзга руҳий оламни қабул қилишга ўргатади. Яхши асар ҳамиша мени завқ-шавққа тўлдиради ҳамда шу каби, балки ундан ҳам яхшироқ асар ёзишга ундайди.

Менимча, ижоддан ихтиёрий юз ўгирган инсон ўзини шодликсиз, нурсиз ҳаётга маҳкум этади, ташландиқ, разилликка тўла оламда яшайди, бироқ унинг ҳамиша ижод оламига қайтиш орқали ҳар он ўз ҳаётини ўзгартириш имкониятини сақлаб қолади.

Ёзувчи ёзув столи қаршисига ўтирар экан, у ҳамиша дунёни ўзгартира оладиган асар ёзишга интилиши жоиз, деб ўйлайман. Иқтидорли ижодкор зиммасида ўзига ато этилган истеъдоддан тўғри фойдаланиш масъулияти ётади. Ёзувчи (шоир), эҳтимол, вафотидан кейин жаннат ёки дўзахга эмас, ўз ҳаётида яратган хаёлий дунёсига тушади.

**– Ёза олмаслик нима?**

– Инсон ҳаёт экан, қандай оғир ва мураккаб шароитда бўлмасин, унинг ижод қилиш ва яратиш имконияти сақланиб қолади. Адабиёт тарихида қамоқхона, концлагерь ва, ҳаттоки, эшафотга чиқиш олдидан ҳам яратилган дурдона асарлар мавжуд.

Эртами-кечми ўз ижоди орқали шон-шуҳратга эришган ҳар бир инсон қалбини ўртовчи саволларга беихтиёр дуч кела бошлайди. Асар ёзиш ёки сурат чизишга уни қандай куч йўллаяпти, айрим вақтларда ҳатто онг даъвати ва шахсий манфаатларга зид ҳолатларда, ҳаттоки ўзига зиён бўлиши муқаррар вазиятда ҳам муайян ижодий мақсадга эришиш учун бор куч-ғайратини сарфлашга нима мажбур этади? Бу мажбурият ҳисси қаердан пайдо бўлади? Нима сабабдан сен бажариш учун айтарлик сабаб бўлмаган бирор вазифани амалга оширмагунингча ўзингни қўйгани жой тополмайсан?

Наҳотки, инсоний такаббурлик ва шуҳратпарастлик – мазкур икки энг оғир гуноҳ – инсонни қўлга қалам ёки мўйқалам олиб, ёзув столи қаршисига ёхуд мольберт ёнига келишга мажбур этса? Бизни аслида қандай куч ҳаракатлантиради? Инсон ҳаётининг барча жабҳаларида яратувчанликка интилиш манбаси қаерда? Шуҳрат ва моддий тўкинликка эришиш билангина тушунтириладими бу хатти-ҳаракатлар? Ижод – синовми, илҳом юзага келтирувчи санъатми ёхуд Яратганнинг саноатими?

Маълум бир вақт келиб, инсон бу оламда ўз-ўзидан мавжуд эмаслигини, унинг ортида суянч бўладиган мангу мустаҳкам қадриятлар турган бир вақтдагина муайян бирор тизим ва маконда ижод қилиши мумкинлигини англайсан.

Бу дунёдаги барча жонзотларга, буюмларга, ҳодисаларга номлар инсон томонидан берилган. Илоҳий китобларда айтилишича, Тангри барча жонзотларни яратгач, уларни инсон қошига келтирган ва қандай номлашини билмоқчи бўлган. Инсон ер юзидаги жонзотлар, кўкда учувчи қушлар, қисқаси барча тирик жонга ном берган. Бу – биргаликдаги ижодий ишнинг биринчи кўриниши бўлган.

**– Газетамиз борасида фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, бемалол...**

– "Китоб дунёси" халқаро адабиётнинг жарчиси бўлиш учун астойдил интилмоқда. Нашрингиз, аскарият шундай нашрлар айни вақтда қолиб кетаётган (таассуфки!) маҳаллийлик даражасини муваффақиятли тарзда ёриб ўта олди. Мен ўз олдингизга ҳамиша юксак, ҳатто айрим вақтларда амалга ошириш имконсиздек кўринувчи улкан мақсад ва вазифаларни қўйишни тилайман.

**Хосият РУСТАМ суҳбатлашди**

# ЎЗИМИЗНИ КУЧЛИ, ЯНАДА БАХТЛИ ҲИС ҚИЛИШИМИЗ ЛОЗИМ

*(Давоми. Боши 1-саҳифада)*

Аммо шу тарзда биз эркинлик ва ижодкорликни қурбон қиламиз. Эҳтимол, эркинликни ҳурмат қилиб, яшаш тарзимизни асталик билан ўзгартиришга интилиш яхшироқ бўлар. Бир-биримизга ёрдам беришимиз, ўзимизни кучли, янада бахтли ҳис қилиш учун бирлашишиш лозим. Биз баъзан ҳаёт жуда мураккаб, деб ҳисоблаймиз. Лекин у биз ўйлагандек эмас. Аслида, бутун табиат шеър билан яшайди. Масалан, қушлар ўзларининг бор овозлари билан осмонни тўлдираркан, балки шеър айтишаётган бўлар. Тонгнинг отиши ҳам бир шеър, фасллар алмашинуви, қуёшнинг ботиши, юлдузларнинг жўшқин порлашларида ҳам нолиш яширин. Ўша нолиш – шеър! Рилке айтадики, шеърлар ҳайратда қолдирадиган нарсалардир. Тажрибалар эса яшашнинг энг юқори даражаси. Битта шеърни ёзишдан олдин у, кўплаб шаҳарларни кўриш, ҳайвонлар ва ўсимликларни билиш кераклигини айтади: қушларнинг парвозини ва гулларнинг сўзларини тинглашни, босиб ўтган ва ҳеч қачон қадами етмаган йўллар ҳақида ўйлашни, болалик даврига, кичик исён учун ота-онамизга етказган яраларимизга қайтишимиз кераклигини уқтиради у. Тонгларингизни денгиз олдида ўтказинг ва орзу қилинг. Хотираларни тикланг. Эркинликни, ижодкорликни бузадиган нарса – аслида ўзи ҳам парчаланган вақт. Шеърият эса бўшлиқни тан олмайдиган, тўлиқлик ва бирлик


Ангела де ЛЕО

билан тасдиқланган уйғунлик. Модомики шеърият, ҳамма нарса экан, у ҳолда шеърият дунёни қутқариши мумкин. Айниқса, бугун. “Зулмат бу ёруғликнинг бошланишидир” деб ким айтганини эслай олмайман, аммо бунда қайта туғилишга ишора бордек. Ишонаманки, яна мутолаага бўлган муҳаббат қайта туғилади. Мутолаа – бу китоблар воситачилиги орқали билимнинг ҳаракатлантирувчи кучи, у кенг, фойдали ва теран, чунки бир саҳифа ўқиш билан мулоҳаза қилиш, қайта ишлаш мумкин.

Қувонарлиси, бугун орзуларини унутмасдан мажбуриятларини қайта кашф этаётган ёшлар бор. Уларни орасида яна-да кўпроқ ҳақиқатга муҳтож бу дунёга қарата бараллa ўз сўзини айтаётган шоирларимиз ҳам бор. Сербиянинг буюк шоири Десанка Максимович йиллар ўтиб ҳам севги билан тўлган юраклар ҳайқиришини айтган эди. Ва мен бу юракларни мўъжиза деб атайман. Ёшлар бизнинг келажагимиз, умидимиз. Биз бу майин япроқчалар юрагимизда ўсиб чиқаётганини сезишимиз, уларга ғамхўрлик қилишимиз керак, шунда улар яшнайди. Инсоннинг ва ғоянинг дунёга келиши жуда муҳим ҳодиса. Уларнинг иккиси ҳам эътиборга муҳтож. Биз кучимиз етгунча уларни парвариш қилишимиз керак. Албатта, бу жасорат ва қатъиятни талаб қилади. Ахир бизлар учун онг ва қалб улкан ҳадя. Ва мана шу туҳфалар билан яхши ният одамлари фитна ва ёвузлик, зўравонлик, уруш, табиий ва табиий бўлмаган офатлар билан тўла дунёда омон қолишди. Улар ҳар он қайта туғилишади. Чунки улар ҳар сафар зулматни ёритиб турадиган ва янги тонгни эълон қиладиган ёруғликни ўзларидан, қалбларидан топдилар. Бобом бизга буларни қўллари гуллар ва меваларга тўлган ҳолда ҳаётга бўлган муҳаббати билан эртаклар орқали англатдилар.

**МОҲИДИЛ таржимаси**

**Устоз – юксак мақом. Бу сўз билан доим ёнма-ён фидойилик сўзи ҳам бирга юради. Гўё шамдек атрофга ўзини совуриб бўлса-да, зиё таратаётганидан бир умр мамнун зот. Илмга ташна толиблар тафаккурини маърифат ила бойитишни ўзининг беминнат юмуши деб билгувчи ва доимо изланишда бўлган инсон. Бугун худди шундай ўқитувчи, Япония таълим тизимидаги ютуқларни Ватанимиз фарзандларига етказишни мақсад қилган Соҳибжон Абдуллаев билан дилдан суҳбат қурамиз.**

# “КУТУБХОНА” ДАРСИНИ ЎҚИГАНМИСИЗ?

**– Аввало, нима учун Японияни танладингиз? Меҳнат қилиш ва яшаш учун имкониятлардан ташқари бу ўлканинг сизни мафтун қилган ўзига хос жозибаси ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

– Албатта, Япония иқтисодий тарафдан ҳам, илм-фан жиҳатдан ҳам илғор ривожланган мамлакат ҳисобланади. Таълим соҳасидаги ютуқлари дунёда эътироф этилгани ҳам унинг бу соҳадаги салоҳияти юқори эканини кўрсатади. Ўз навбатида, ҳар бир мамлакатнинг кадрлар масаласи, таълим тизимининг нечоғли яхши йўлга қўйилганига боғлиқ. Бу борада эса ҳар қандай янги ва яхши тажрибаларни эгаллаб бориш, ўз авлодларининг келажагига бефарқ бўлмаган давлат олдидаги асосий вазифалардан биридир. Шу сабабдан, мен ҳам Япония таълим вазирлигининг ўқитувчиларга ажратилган малака ошириш дастурида белгиланган имтиҳондан ўтиб, бу мамлакатдаги таълим соҳасида орттирилган тажрибалар билан танишишга муваффақ бўлдим.

Биласизми, кунчиқар мамлакатга илм истаб келган бўлсам-да, бу ўлканинг ҳам денгиз, ҳам тоғ билан қуршалган табиати мени доим лол қолдиради. Фаҳмимча, дунёда японлардек ўта хушмуомала ва ҳар соҳада ўта тартибли инсонлар учрамаса керак.

**– Таълим тизими ҳақида сўз борганда, албатта, сиз меҳнат қилаётган Японияниг бу соҳадаги ютуқлари аксар мамлакатлар томонидан эътироф этилиши билан бирга, намуна сифатида фойдаланилаётгани кўпчиликка маълум. Сиз ўзингиз Япония таълим тизимидаги қайси жиҳатлар бутун дунё таълим тизимида қўлланилишини истардингиз?**

– Ҳақиқатдан ҳам, Япония таълим тизимидан ўзлаштирилиши керак бўлган жиҳатлар жуда кўп. Айниқса, халқ таълимида. Шахсан ўзим ҳам, гарчи малака



оширишни якунлаган бўлсам-да, таълим тизимини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида бошланғич, ўрта ва юқори синфларда дарс бериб келмоқдаман. Боғчадан университетгача таълим тизимидаги ютуқларни Ўзбекистон таълим тизимида қўллаш йўллари бўйича мустақил илмий иш олиб борарканман, мактабларда ўқитувчиларнинг ишлаш методикаси, мактаб бошқаруви, мактабни ўқувчиларнинг ўзи тозалаши, мактаб ичида махсус пойабзалларда юриши каби жиҳатларни ўзлаштириш керак, деб ўйлайман.

**– Фаолиятингиз бевосита ёшлар билан кечаркан, айтинг-чи, Япония ёшларининг, ўқувчиларининг адабиётга муносабати қандай, японияликлар қай даражада китобхон?**

– Мақталганича бор. Таълим сифати юқори. Ўқитувчилар жуда меҳнаткаш. Ўқувчилар билимга чанқоқ. Ҳар бир синфнинг ўз “синф кутубхонаси” бор, бу мактаб кутубхонасидан ташқари, албатта. Япония ўқувчиларининг адабиётга муносабати юқори, сабаби, япон болаларига боғча ёшидан китоб мутолааси ўргатиб борилади. Дастлаб расмли китоблар билан таништирилади. Сиз “Кутубхона” дарсини ўқиганмисиз? Ҳайрон бўлманг. Япон мактабларида махсус “Кутубхона” дарси ўтилади. Унда кутубхонада қандай ишлаш, мутолаа қилиш, китобларга муносабат ўргатилади. Бир сўз билан айтганда, японияликлар китобни жон-дилидан севишади.

**– Ўзингиз қайси адибларни севиб ўқийсиз?**

– Мен ўзбек адабиёти шайдосиман. Айниқса, Ўткир Хошимов ва Саид Аҳмад асарларини қайта-қайта ўқийман.

**– Самимий ва мароқли суҳбатингиз, фикр-мушоҳадаларингиз учун каттакон ташаккур. Келгусида ишларингизда бардавомлик тилаймиз!**

– Сизга ҳам беҳад ташаккур! Ёшларга бир нарсани айтган бўлардим, ҳар бир дақиқангизни нафақат ўзингиз балки ўзгалар учун ҳам фойдали бўлган илму ҳунар ўрганишга бағишланг. “Китоб дунёси”га эса, дунёни адабиётга, китобга ошно қилишдек шарафли ишларида куч-қувват тилаб қоламан.

**Камолат ШАМСИДДИНОВА**
**суҳбатлашди**


**Туғберк БАҲОДИРТУРК**
**(1985), Туркия**

# МУЗАЙЯН

## Ҳикоя



**I**

Ҳикоямнинг ибтидоси тақдир бўлсин. Биз уни баъзан пешонага битгани ё муқаддарот деб ҳам аташимиз мумкин. Тақдирга иймон келтирмоқ эса камолнинг ҳам, заволнинг ҳам Аллоҳданлигига иймон келтирмоқ дегани.

Музайян...

Музайян менинг тақдирим эмасди, бироқ уни севганим-чи? Музайянга ошиқлик онгимга самолардан йўлланган жумбоқли хабар янглиғ тақдиримда жилва қилди. Мен юрган йўллар Музайянга элтар бўлса, ҳеч чарчамас, атрофимдаги бутун нарса-ҳодисаларда унинг бир парчасини, исмидан эсган шамолларни кўрар эдим. Кўзлари – жинчироғи бирдан ўчган тунги кўчадек сим-сиёҳ, сочлари эса жингалак. Дунёнинг энг музайян Музайяни.

Исмини сўраб, ундан илк бора Музайян деган жавобни олгач эса тамоман Уторуд сайёрасига эврилгандим. Бу Музайян деганлари ўттиз йиллик руҳ салтанатини лаҳзада ер билан битта қилди. Биламан, дея ишонган, ўрганганимга амин бўлганим неки бор, барини унутдим. Хотирамни тозаладим, шу кунгача ўқиганларимни ёдим кутубхонасидан ташқарига иткитиб, ўт қўйиб юбордим ва гуриллаб ёнаётган ўтмиш атрофида айлангангча сармаст шомондек рақс тушдим. Ичида Музайян йўқ дея китобларнинг барини ўша оловга отдим...

Қўллари шеър, сочлари роман ўша Музайян ҳақида гапиряпман сизга, жаноблар. Юрганида қадамидан мойчечаклар, сочларидан дасторгуллар униб чиқарди гўё. Ҳар нафас олиши энг улуғ мукофот тақдимотида йиғлаб айтиб бериладиган ҳикоя, энг олий мадрасада толибларга дарс қилиб ўтиладиган ҳикмат эди. Шаҳарнинг ҳар бир бурчагига унинг расмларини осишганди.

Бир куни тўсатдан: “Кетишим керак”, – деб қолди. Бемалол айтди у кетиши кераклигини. Бир одамга ўқилган ўлим ҳукми бу қадар қисқа бўлмаслиги керак, дедим ичимда, бироқ ташимга чиқармадим. Сабабини сўраганим йўқ. Музайян ҳақида кутубхона-кутубхона китоб ёза оладиган салоҳиятим бор эди, бироқ индамадим. Жимликни доимгидек яна у бузди: режаларим, деди, орзуларим, деди, кетаман, деди. Чет элда ўқимаса бўлмас экан. Ҳар бир киприги учун озод қилганим қушларнинг бари сиққан шу осмон унга тор келармиш. Ўзга шаҳарлардаги осмонга ҳам бир боққиси бор. Жим эдим. Туғилганимда малаклар ичимга бир бомба жойлаган-у, унинг портлатиш тугмачасини Музайянга тутқазган экан. Тугмани босдию кетди. Ёки кетдию босди. Дунём қулади, дедим. Кейин дедимки, бу дунё аввалдан қулаганди. Унинг харобаларига нур тўкиб турган қуёшим кетди. Энди унинг ортидан мунғайиб қолган харобада нафас олиш ҳам азоб.

Албатта, сен нега кетмадинг, деб сўраганлар ҳам кўп бўлди. Фақат бу шаҳар ёқамни қўйвормади. Кетсанг, ўласан, деганида ҳам кетардим, бироқ шаҳар жим эди. Қўллари ёқамда, кўзлари кўзларимда эди шаҳарнинг. Кетолмадим.

**II**

Музайян айтди:

– Бир ёнғиндан сўнг кулбанинг кўкларга соврилган кулию қурумларидан бир ҳовучи жонимга тўлиб қолган.

Қон ва тер ичида тўлғонган тушларимдан қочаётганмидим, эсимда йўқ. Юзимга урилган ҳеч бир томчи ичимдаги оловни сўндиролмасди. Чорани ўчоққа отган китобларимни қайта тиклаш фикридан изладим. Барини қайтадан ўқидим, худди ўша сўзларнинг остига қайтадан яна ўша қора қалам билан чизиб чиқдим. Унга аталмаган китоблардан унга аталган жумлаларни ахтардим. Бефойда!

Дўстларим ҳам мендан умидларини бир-бир узишди. Ёлғиз қолишим хаёлимга ҳам келмаган экан. Юрган йўлларим Музайянга элтмаслигини билиб, манзилимни тинимсиз ўзгартиравердим. Ҳар чорраҳада бир тиланчи йўлимдан чиқиб тилана бошларди. Нон сўрамасди у:

– Бир танга эҳсон қил, оға. Очман, Музайян оламан.

Кўчалар бурчагида сайёр гулчи сасланарди:

– Иним, янги узилган Музайянлар бор. Севганингизга олиб бормайсизми?

Мен бошини силаган мушуклар ҳам унинг исмини айтиб миёвларди. Шундай қилиб, атрофимдаги доира телбага айланишим учун каминага беминнат ёрдам бераётганди.

Телбалигимнинг илк кунлари шундай бошланди.

Бир-икки танишлар касалхонага олиб боришди. Таҳлиллар, тестлар, муолажалар. Натижа? Музайянсизлик йўлларига боғланган идрок йўлларининг ёпилиб қолиши. Аниқ ташхис мана шу. Докторга бутун бўлиб ўтганларни айтиб бермоқчи бўлдим. Музайян, дедим. Бир кўрсангиз эди, дедим ўша юзимдаги қоронғу зиндонни янада қорайтириб. Тушунмадим, деди у. Тушунмади. Ахир, Музайян, дедим. Музайян...

– Лаббай?

– Йўўўқ, шунчаки исмини такрорлаш ёқади. Бу жуда эски касаллик. Тузатолмайсиз...

Айни дам касалхонанинг совуқ ҳужрасида, Ундан минг Музайян йили узоқда туриб деразадан ташқарини томоша қиляпман. Кўзларим айланиб-айланиб тушаётган бир қор парчасига тикилган...

Энди Музайянни эслаш бир ёнғиндан сўнг кулбанинг кўкларга соврилган кули-ю қурумларидан бир ҳовучи тўлиб қолган жон оғриқларига чидамоқ мисол оддий гапдек туюла бошлади.

**III**

Ўлим касалхонанинг совуқ хонасида айланганча мени кузатади...

Доктор миямдаги қора доғнинг нималигини аниқлолмади ва мени Оврўпадаги бир касалхонага жўнатди. Бормасанг, ўласан, деди у. Бу сўзларни шундай бемалол айтдики, гўё ишдан қайтишда нон ҳам ола кел, дегандек эшитилди. Уни эса алдадим. Ўқишга кетишим керак, орзуларим бор, дедим кўзимдаги ёшни, ичимдаги оғриқни яширишга уриниб. Орзуларимни бу ерларда арзон сотиб қўйишим мумкин, дея овутдим уни. Ўляпман, сени севиш учун яшашим керак, деёлмадим. Мен кетажак жойларда ҳаёт йўқ, севгилим, дейишга журъатим етмади. У ерларда фақат ўлим бор, юр мен билан, дейишга ўзимда куч тополмадим... Аввал у билан, кейин оилам ва мени катта қилган манзил билан видолашдим. Расмий газеталардан бирига ўлаяпман деб эълон бердим. Бошқа иложим йўқ эди. Масалан, ўша ўзим яхши кўрган хиёбонга қайтиб боролмадим. Йиғладим, кўзёшим қуригунча йиғладим. Кўзгулар аксимни кўрсатмас қадар йўқолгандим... Кейин эса докторим менга, ёрдами тегсин, дея бир руҳшунос бириктириб қўйди. Унинг менга берган дорилари майда, бироқ умидлари катта эди. Уч ойдан сўнг Туркияга қайтиш учун етарли даражада соғайишим мумкинлигини айтганида, руҳимдаги капалакларнинг барини осмонга қўйиб юбордим... Синовлар битди, ҳисоботлар ёзилди, чипталар олинди. Аэропортда мени онам, отам ва акам кутиб олишди. У йўқ эди. Йўлда кета туриб онамдан уни сўрадим. Онам эса кўзига тўлган ёш бўғзига тиқилган бўлса кераккки, тутилиб жавоб берди:

– Кейин айтиб бераман, қизим. Кейинроқ...

Эртаси кун онам айтди, мен кетгач, сени руҳий хасталиклар шифохонасига ётқизишибди. Ватансизликда йиғлолмаганим қадар йиғладим. Кун ёришгани заҳот ўзимни кўчага отдим. Сен ўтган кўчалардан ўтдим. Бу ерга қадаминг текканини йўлаклар ёқасида ўсган мойчечаклардан сездим. У кўчанинг мушуклари оёғимга суйкалди. Шундан билдим. Деворларига “Лаънат бўлсин айрилиқларга”, деб ёзибсан. Жисмимни деворга суядим. Исинг димоғимда гуллаб кетди. Осмонга қараяпсанми, демак, асирсан. Мен ҳам ишқинг асоратини тан олиб осмонга боқдим. Осмонга боқиб-боқиб сен томонга кетган йўлларни топдим. Касалхона манзилини қушлар айтди. Қушлар билан гаплашишни сен ўргатгандинг, севгилим. Ўтирган ҳужрангнинг деразасидан сени томоша қилдим, йиғладим. Ёноғимдаги ўша нурли зиндон кўзёшга тўлди. Сени шу қадар ёлғизлатиб қўйишдими, севгилим? Қоғоздан қушлар ясаб, менга етиб борсин дея деразадан отибсан. Ҳеч қайсиси етиб келгани йўқ. Ишқ кўзингни кўр қилгур фаррошлар барини териб олишибди. Ўша қушлар менга саломингни етказди. Хотиринг жам бўлсин, севгилим... Мен сени севишдан воз кечганим йўқ. Буткул соғаймадим, лекин энди анча яхшиман. Ҳар куни сени, касалхона ҳовлисидаги ўриндиқда ўтирганча сен соғаяжак кунни кутаман. Доктор яна икки-уч ой ёнингга киришим мумкин эмаслигини айтиб огоҳлантирди.

Ёки бу қушлар ҳам гуноҳимизга шерик бўлишаётганмикан?

**IV**

Ҳикоямнинг ибтидоси ўлим бўлсин. Ўлим – ўла туриб ҳам баъзи нарсаларни қаттиқ соғиниш демак. Ўлим туғилмоқдир. Ўлим бошламоқдир.

Уч ой тинмай, ҳар тонг касалхонага қатнадим. Деразанг қаршисидаги ўриндиққа чўкканча мени кўриб қоларсан, дея зор кутдим. Аҳволинг кундан кунга оғирлашиб борарди. Аввал мактуб ёзишни, кейин овқатланишни ва охирида одамлар билан гаплашишни рад қилдинг. Иккимиз битта касалхона ичра эриётгандик... Зиёрат вақти тугагач, яна ташқарига, сендан бошланган йўлларга сингиб кетдим. Ай, севгилим... Сен билмайсан, мени шу қадар ёлғизлатишдики...

Тиззаларим орасига беркиндим, йиғладим. Кўп йиғладим, севгилим. Нафасим фарёдга, фарёдим нафасга эврилди. Кўчадаги дайди бир мушукнинг бошини силагандек унсиз йиғладим. Деворни пайпаслаб-пайпаслаб ташқари чиқдим. Зўрға такси тўхтатиб, фалон шифохонага, дедим. Икки йил аввалга деганимдайди, эҳтимол, сенга олиб борарди мени. Етиб келганимда аллақачон кеч бўлганди. Мени жонсиз ҳолда топишди. Ҳа, ўша касалхона хиёбонида. Жуда заифлашиб қолгандим, докторлар хавотирга тушиб оиламга ҳам хабар қилишганди. Охирги мактубингни олганимдан бери дориларни ичаётганим йўқ. Мен ўлгандан тўрт кун ўтиб сен ясаган қоғоз қушларнинг ичига қарашганида бари ойдинлашади. Ҳа, биз майда ўйинлар ўйнашни ўзимизга эп кўрмадик, севгилим.

Мен – Музайян, хастахона ҳужрасидан ўлигингни топишгандан уч соату йигирма етти дақиқа ўтиб, сени кутган ўриндиқ пойида бу дунёдан кўз юмдим. Бошим эса хам... Эй севганим, энди ўлим бир қабристон ичра ётганча мозоримизга ёғаётган қорпарчаларни кузатиш қадар қайғули...

**Турк тилидан**
**Мирзоҳид МУЗАФФАР таржимаси**

№ 11 (325) 2020 йил 24 июнь
Kitob dunyosi



Мариэла КОРДЕРО (1985),
Венесуэла шоираси

## БИРИНЧИ

Мен биринчи одам,
Турибман қўлимдан тутган ибтидо.
Турибман ва ё бу шамснинг ўртаси,
Ёки ботган қуёш зарраларида
Ногаҳон билмайин бўламан пайдо.
Билсангиз, барчаман ҳамда ҳеч кимман.

* * *

Ўлиб бораётган қироллик сари
Илкинчи қадамни ташлаган онинг.
Сенга мерос қолган белгилар – барин,
Унутдими, айтгил, тан ичра жонинг?

Қайдадир эски дин қилинар вайрон,
Тилло юлдузлар-ла компас юзлашган.
Тингланмай хўрсиниқ тўлган нафасинг,
Бўлиниб кетасан мингта кўзёшга.
Айни дам исмсиз қолган инсонсан.

## БАЪЗАН...

Баъзан сувман, бироқ
Баъзида чанқоқ.

Ҳар нарса ўзгарар, барча-барчаси,
Гарчи лаҳзалар бор ҳечам ўзгармас.
Жонимиз чекаркан, туяркан ташвиш,
Бемажол нигоҳлар юмилар, жимлик...

Акс-садо бергандек туюлар кунлар,
Барчаси ўзгарар бузмасдан пинак.
Ва вақт ўзгартирар бизни ҳам охир,
Чанқоқман, о, энди сув бўлсам керак!

## НОМ

Унинг номи бордир, ичаётганим
Ярмида шароб-у, ярми сирли сув.

Ҳайқириқ – кўксимдан ўзини отган,
Асли, ўзгаларнинг дарди эди-ку.

Буниси... Буниси мен эркалатган
Ўрмоннинг бўлаги, илиқ ҳам ўжар.

Унинг исми дарё, у бирам хушрўй,
Нариги қирғоқдан тинмай тер ўсар.

Бир номки, номимни ямламай ютар...

## КУЗАТУВ

Жимгина кузатдинг унинг ортидан
Кўчанинг боши ҳам айланар, қара.

# *Бил, севги бир байрам – қайтариб бўлмас*

## ЗИЁФАТ

Миллион нигоҳларнинг зарбидан омон
Қолар, нозиклашар улкан ғоялар.
Ва ҳужум бошлайди мўрт ишққа томон.

Чорасизлик саси тебратар қалбинг,
Ўзидаги нурни унутган минглаб
Инсонлар кўнглида кезар ташналик,
Оловни ямламай ютасан, тингла:

Ичингда қон шимган ажиб гўзаллик,
Ташналик ўртаси боғни яширдинг,
Шовқинли сукунат олади нафас,
Томирларинг аро жонланаркан куй,
Бил, севги бир байрам – қайтариб бўлмас.

## МУҲИМИ

Орзу қил дарёдек гўзал ҳам бебош,
Тўлқин титроғида танинг уйғонсин.
Ранг тарат ва ҳис эт кераклигингни,
Нотаниш бўлса-да бу ҳисга қонгин.

Бироз хира тортган катта кўчалар,
Бир пайтлар севилган юзларда синиқ.
Манзилсиз йўл юргин ва яша мангу,
Кўзингда қуёшнинг нурини ичиб.

Фақат туймоқ мумкин бўлган жазава,
Зинҳор таржимага сезмас эҳтиёж.
Қайга боришини билмайди бу руҳ
Жисмим тор, на илож...

* * *

Йўлаклар ифори йўл бошлар жиддий,
Парчалаб ташлашни ўргандинг, мана.

Ҳимоя дарсини олдинг.
Ибтидо...
Чимматингни йиртгин, тун кетсин тўзиб.
Қайта туғилишни таклиф қилишса,
Зулматда ўлдирдинг ўзингни ўзинг.

Ўзинг еб битирган заифлик учун
Бугун энди ўзинг ўлжасан, тушун...

**Инглиз тилидан**
**Моҳидил АБДУЛЛАЕВА**
**таржималари**

# *Ҳар сўзнинг ўз ери, ўз маҳрами бор*

**Сейран СУЛАЙМОН – 1979 йили Фарғона вилоятининг Қува шаҳрида таваллуд топган. 1991 йилда Қримга кўчиб кетган. Иқтидорли ёшлар учун мўлжалланган хусусий турк лицейида таҳсил олган. 2002 йилда Қрим муҳандислик-педагогика университетининг филология факультетини тамомлаган.**

**Айни вақтда «Янъы дюнья» ("Янги дунё") газетаси Бош муҳаррири. "Маорифчи" ассоциацияси аъзоси. Сейран Сулаймоннинг асарлари Украина, Туркия ва Озарбойжон журналларида чоп этилган. Украин адабиётидан намуналарни қрим-татар тилига таржима қилган.**



## ИШОНДИ

У ишонди теракка,
Терак энди – кул бўлди.
У ишонди гулларга,
Гуллар сарғайди, сўлди.

У ишонди елларга,
Еллар парвосиз ўтди,
Ишонди суйганига,
У ҳам ўзгага кетди.

Ишонди дўст сўзига,
На дўст қолди, на сўзи.
Энди ишонмас одам,
Ёқар ўзини ўзи.

## РАББИМ

Раббим, асра бизларни
Турли бало-қазодан,
Сақла, эгри йўллардан,
Ёмон кўздан, назардан.

Яна асра бизларни,
Заҳар тилли зотлардан,
Душманларга ёл тутган
Кўр ва нодон отлардан.

## СЕНИНГ КЎЗЛАРИНГДА

Сенинг кўзларингда
Юлдузлар кўрдим,
Денгизлар кўрдим,
Булутлар кўрдим.
Яшил-яшил ўрмонлар,
Гўзал нигоҳлар кўрдим.
Кўрмасайдим –
Яшамасдим,
Қувонмасдим,
Ёзолмасдим.

Мен сенинг кўзларингда,
Мангу заволлар кўрдим.
Томчи-томчи кўзёшлар
Узун саволлар кўрдим,
Гоҳо қуёш,
Гоҳо ой кўрдим.

Кўрмасайдим –
Англамасдим,
Кўрганимга
Қувонмасдим.

Сенинг кўзларингда
Сени кўрдим, Она,
Сўзламоққа йўқ ҳожат,
Кўзингга термулганда.

## ДУНЁ ЗИЙНАТИ

Тақдир хиёнатига –
Бир кулдим, бир йиғладим.
Бу дунё зийнати не –
Сенга боқдим, англадим.
Юзимдаги ғамларим –
Сен кулганда йироқлар.
Сени кўрган дамларим
Қалбим шамсдек чарақлар...

* * *

Эй кўк, қанот бердинг, қаноат қайда?
Юрагимда бўрон, айт, нажот қайда?
Пешонам шўрланди, турмушим тўзди,
Нечун сўнди қуёш, айт, ҳаёт қайда?!

Тўзиган борлиғим – умримнинг ўзи.
Қайга боқсанг дўст йўқ – душманлар сўзи.
Ипакдек ёйилган чалкаш йўлларда
Бахтга қучоқ очсам, терс бурди юзин.

Қочиб кетолмасман, фисқу фасоддан,
Келди ёш бошимга кексалик бирдан.
Шукур, бир юрагим ўшандай қолар,
Тақдир, қувончимни қайғулар чалар.

Узун-узун йўллар яна ястанар,
Бундан кимлар ўтиб, қайтмаган кимлар.
Йўлчига тош отмоқ бир одат асли,
Арслонлар дунёси итларга тўлар.

## ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Юрак учун ўқдир нафрат,
Соф юракда йўқдир нафрат,
Юрак учун юкдир нафрат,
Зарра бўлса – кўпдир нафрат.

* * *

Инсон бор – онгли, инсон бор – онгсиз,
Бири пок диндору, бири имонсиз,
Оҳ, деймиз, дунёнинг ўзи вафосиз,
Ким даврон суради, кимдир сафосиз.

* * *

Ҳар бир жароҳатнинг ўз малҳами бор,
Ҳар сўзнинг ўз ери, ўз маҳрами бор,
Ким гадо, ким подшо, кимимиз пирмиз,
Ҳаммамиз тупроқнинг остида бирмиз.

* * *

Кўзлардан не фойда,
Қалбинг кўр бўлса.
Сўзлардан не фойда,
Халқинг хор бўлса.

**Қрим-татар тилидан**
**Камолат ШАМСИДДИНОВА**
**таржималари**

# ГУМРОҲЛИК

Ҳикоя



Артур КЛАРК (1917–2008),
инглиз ёзувчиси

I

– Бу жуда даҳшатли-ку, – деди Бош Аллома. – Наҳотки, биз ҳеч нима қилолмасак?

– Чораси бор, Олий билимдон ҳазратлари, аммо бу сайёра жуда олисда жойлашгани учун ечими ўта мураккабдир. Беш юз ёруғлик йилига тенг масофада бўлгани боис мулоқот ўрнатиш жуда қийин. Аммо бу ҳали ҳаммасимас. Энг ёмони шундаки, унда яшовчи мавжудотлар билан мулоқот ўрнатишнинг деярли имкони йўқ. Уларда телепатик хусусиятлар ривожланмаган, муртак ҳолида қолиб кетган. Яккаю ягона йўли – ким биландир телепатик мулоқотга киришишдир...

– Ҳар қандай онгли ирқ, – деди у, – телепатик хабарни қабул қила оладиган бир неча зотга эга бўлиши лозим. Агар биз бир эмас, юзлаб кўприклар очсак, ўзимизга керак бўлган нарсани топишимиз мумкин. Битта қабул қиладиган мияни топишимизнинг ўзи кифоя, шундаймасми?

II

Алқисса, улкан коинот бўшлиқлари орқали ёруғлик тезлиги етиши учун ҳам беш юз йил керак бўладиган масофаларга нурга айлантирилган фикр тарқала бошлади. Ўта юқори тезликка эга бўлган фикр – нур бир лаҳзада тубсизликни кесиб ўтиб учинчи коинотга етиб келди ва Тхаар сайёраси билан Ер ўртасида кўзга кўринмас кўприк пайдо бўлди. Тхаарликлар ўзлари учун зарур бўлган яккаю ягона одамни ҳам зудликда топдилар... Бу Уильям Кросс эди. Билл Кросснинг тафаккурига йўл очилишига олиб келган эҳтимоллик кечиши шунчалик тахайюлона эдики, уни кейинчалик миллиарддан бир нисбатда деб баҳоладилар. Умуман олганда, бу эҳтимоллик даражаси учта эди. Биринчиси, жаноб Кросснинг жойлашган ўрнига боғлиқ бўлиб, у фикр – нур узатилган маҳалда йўналишнинг қоқ марказида турган эди. Албатта, бу марказда Биллдан бўлак яна миллионлаб кишилар бор эди, аммо улар Кросс каби ракета техникалари бўйича муҳандис эмас, бирортаси ҳам сайёралараро учиш тўғрисида бир умр орзу қилмаганди. Бу иккинчи эҳтимоллик даражаси эди. Ниҳоят, учинчисига келсак, фикр – нур ерга етиб келган маҳали Кросс итдек ичган, эси кирар-чиқар даражада маст эди. Унинг туманлашган онги орзу ва хаёллар дунёсига тортиб кетди.

III

– Биз сизга, дўхтир Кросс, космик кемалармас, ҳарбий ракеталар яратишингиз учун маош тўлаймиз, – деган эди шу машмашалардан бироз аввал генерал Поттер норози қиёфада. – Агар жуда чидаб туролмасангиз, асосий ишдан бўш вақтларингизда бу бемаънилик билан шуғулланишингиз мумкин. Тушундингизми?

Тушунмай ўлибдими? Аммо шунча машаққат билан яратган космик кемаси тарҳини бир буйруқ билан йўққа чиқармоқчи бўлишяпти. Кросс шу пайтда ҳаётининг ўта ғурбатли даврини бошдан кечирмоқда эди; албатта, рафиқаси Бренда ҳам уни ташлаб Жонни Гарднерга кетиб қолганини эътиборга олсак, ҳаётининг чиндан ҳам ҳолва эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Кросс енгил чайқалиб, рўпарасидаги оққа бўялган деворга маъносиз тикилди. Иккита сурат орасидаги митти доғга нигоҳини жамламоқчи бўлди... Шу алфозда унинг онгига умидини деярли йўқотган юзлаб тхаарликларнинг фикрлари урила бошлади. Билл рўпарасидаги девор аста-секинлик билан эриб, ўрнида ҳадсиз туйнук пайдо бўлди. Бу ажабтовур эврилиш унинг қизиқишларини алангалатиб юборди. "Жуда ғалати алаҳлаш-ку", ўйлади Билл. Унинг бошида товуш пайдо бўлганида эса ҳатто қўрқиб ҳам кетди. Чунки Билл Кросс итдек ичганида ҳам ўзи билан ўзи гаплашмас эди!

– Билл, – дея бошлади товуш. – Диққат билан эшит. Биз сени узоқ изладик ва ниҳоят, топдик. Сенга етказмоқчи бўлган хабар ўта муҳимдир. – Бу гапнинг чинлигига Кроссда гумон пайдо бўлди, чунки айни шу дамда унинг учун муҳим нарсанинг ўзи қолмаганди. – Биз сен билан жуда олис сайёрадан туриб гаплашмоқдамиз, – деди товуш. – Сен биз билан мулоқотга кириша оладиган ягона ерликсан, шунинг учун гапларимизни диққат билан эшит ва хулоса чиқар.

Билл ўзининг ташвишлана бошлаётганини сезди. "Қизиқ, ҳеч кимни кўрмасанг-да, аллақандай товушлар эшитсанг, ғалатимасми? Дарвоқе, нимаям йўқотаман, тингласам, тинглабман-да!"

– Яхши, – деди у пича жимликдан кейин. – Фақат кулгилироқ нарсалардан гапиринглар, ҳозир юрагимга қил сиғмай турибди. Йўқса, бадимга уриб қолиши мумкин.

Ўртага оғир сукунат чўкди, кейин ташвишли овоз эшитилди:

– Биз сизни тушунмадик. Сизга етказмоқчи бўлган хабарларимиз нафақат қизиқарли, балки сизларнинг ҳаёт-мамотларингиз устида кетяпти. Уни зудлик билан керакли одамларга етказишингиз керак.

– Мен кутяпман, – деди Билл. – Балки мулоқот билан вақтимиз тезроқ ўтар...

Бу тутуриқсиз жавобдан кейин беш юз ёруғлик йилига тенг масофада турган тхаарликлар эсанкираб қолдилар. Албатта, улар мақсадига эришиб, мулоқотга киришиб олдилар, лекин жавоб улар кутганчалик бўлмади. Шунга қарамай, улар давом эттиришга қарор қилдилар.

– Тингла, Билл, – давом этди товуш. – Олимларимизнинг ҳисоб-китобига кўра, яқинда сизларнинг Қуёшингиз портлаб кетади. Бу уч кундан сўнг, янаям аниқроғи, етмиш тўрт соатдан сўнг юз беради. Портлашнинг олдини



олишнинг асло иложи йўқ. Айтганларимизга қулоқ тутсанг, сизларни қутқариб қолишимиз мумкин.

– Вайсайверинглар, – минғиллади Билл. – Умримда бунақа алаҳламагандим.

– Бил, кўприксимон туйнук ўрнатамиз, – давом этди товуш. – Бу туйнук катта масофадан ўтади, у баайни сен рўпарангда кўриб турган туйнукка ўхшайди. Уни яратиш жараёни ўта мураккаб бўлиб, сизларнинг математикларингиз икки дунёдаям тушунмайди.

– Тўхтанглар, – жон кирди Кроссга. – Сизлар юқори ўлчамлардан ўтувчи қисқа йўллар тўғрисида гапираётган бўлманглар тағин. Бу нарса Эйнштейнгача бўлган замонлардаям фанга маълум эди.

Кросснинг кўринмас суҳбатдошлари ҳайратга тушдилар.

– Сизларнинг фанингиз бунчалик илгарилаб кетгани хусусида бизда ҳатто шубҳаям бўлмаганди, – ҳурмат оҳангида янгради товуш. – Таассуфки, назарияни батафсил тушунтириб ўтиришга вақтимиз зиқ. Моҳияти шундан иборатки, бундай туйнукдан қадам қўйганингиз заҳотиёқ бошқа сайёрага ўтиб қоласиз. Йўл ўттиз еттинчи ўлчам орқали ўтади.

– Мен сизнинг сайёрангизга ўтиб қоламанми?

– Йўқ, ерликлар бу сайёрада яшаёлмайдилар, аммо Галактикада ерга ўхшаш сайёралар жуда кўп. Биз ҳамма жойга туйнуклар очиб ташлаймиз, қутулиш учун бир неча қадам қўйишгагина тўғри келади, холос. Тўғри, тамаддунни бошқатдан яратишга тўғри келади, бошқа йўли йўқ. Сизнинг вазифангиз – бу хабарни барча ерликларга етказишдир.

– Улар мени тингламаса-чи? Нима, ерда мендан бошқа одам йўқми?

– Ерда фақат сен мулоқотни қабул қила оласан, қолганлар бизнинг фикримизни илғаб ололмайдилар.

"Инсон мияси нималарга қодир эмас-а, – ғира-шира фикрлади Кросс. – Тушга нима кирмайди, шайтон нима демайди?" У ўтган ҳафтада охирзамон тўғрисида қизиқарли бир китоб ўқиган эди.

– Мабодо, Қуёш чиндан ҳам портласа, қандай ўзгаришлар юз беради? – сўради у алаҳлашини тикламоқчи бўлиб.

– Юпитер орбитасидаги барча сайёралар каби ерингиз ҳам кулга айланади.

– Менинг ҳурматли саробим, – деди у кўзларини айёрона ялтиратиб. – Агар мен сизларга ишонганимда, нима деб жавоб берган бўлардим, биласизми?

– Сен, албатта, бизга ишонишинг керак, – беш юз ёруғлик йили масофасида турганлар орасида ғулғула пайдо бўлди.

– Шундай қилиб, – деди Билл мулоқотга чек қўя туриб. – Агар Ер ёниб кетса, қанча муаммолардан бирваракайига қутулган бўлардик. Урушлар тугаган, ғалвалар битган, хотинлар ҳамма нарсанинг қимматлашиб бораётгани хусусида вайсашлардан тўхтаган, атом уруши ҳақидаги ваҳималардан бирданига қутулган бўлардик. Сиз билан танишганимдан ўта хурсандман, ҳурматли сароб. Энди туйнук-пуйнукларингиз билан даф бўлинглар, мен ухламоқчиман.

IV

Тхаар сайёрасидагилар бу жавобдан довдираб қолдилар. Олий Алломанинг озиқли муҳитга солинган мияси сарғиш тусга кирди, бу нарса беш минг йил муқаддам Тхаарга Ксантил босқинчилари бостириб кирганида бир марта кузатилганди. Сайёралараро мулоқот бўйича ўн беш мутахассис ақлдан озди. Космофизик марказидаги бош компьютер хотирасида қисқа туташув юз бериб, барча рақамларни нолга бўлиб ташлади ва алалоқибат, бутунлай куйиб кетди.

Ерда эса Кросс ўз алаҳлашларини ривожлантираётган эди.

– Менга қара, – деди у кўрсаткич бармоғини аранг ўзининг сарғиштук кўкрагига тираб. – Мен инсонларга фойдаси тегсин деб, сайёралараро кема яратишга ўн йиллаб умримни сарфладим. Бу махлуқларни эса фақат қирғинбарот қилувчи ҳарбий кемалар қизиқтиради. Нима учун? Бир-бирини портлатиб ўлдиришлари учунми? Энди қуёш буни ҳаммангдан ҳам яхшироқ бажаради. Агар биз бошқа сайёрага ўтсак, барча машмашаларни қайтадан бошлашимизга тўғри келади. – У бир дақиқа ўйлашдан тўхтаб, фикрларини бир жойга жамлашга ҳаракат қилди. – Ер ютгур Брендаям мени ташлаб кетди, ҳатто бир энлик хат-пат ҳам қолдиришни раво кўрмади.

У охирги гапларини адоғига ҳам етказолмади, сармастликдан тили калимага келмай қолди. Бу маҳалда эса тхаарликлар охирги бардошларини йиғиб, унга яна бир карра мурожаат қилдилар.

– Билл, биз билан ҳазиллашмаяпсанми, ишқилиб? Наҳотки, ерликларнинг барчаси сен каби бетамиз бўлса?

– Қандай қизиқарли фалсафий мушоҳада, – фикрлади у.

Унинг тасаввурини хира туман ўраб ола бошлади. У эрталаб генерал Поттернинг ҳузурига киради ва унга генераллик юлдузчаларини қаерга тақишни айтиб, ишни топширади ва ўзига бошқа иш қидиради. Хўш, Бренда-чи? Боши омон бўлса, унга ҳам бошқа ёр топилиб қолар. Энг муҳими, заҳирада яна бир шиша бор, хумордан чиққунча сипқориши мумкин. У оёқда аранг туриб, исқоти турган столга йўналди.

– Билл, – тхаарликларнинг аламзада овози сўнгги бор янгради. – Наҳотки, ҳамма одамлар сендек бўлса?!

Кросс орқага ўгирилиб, сирли туйнукка сўнгги бор тикилди, унинг кўзларига сон-саноқсиз юлдузлар кўринди. У ўзида фахр ҳиссини туйди.

– Мендекми? – қайта сўради Билл. – Йўқ, ҳамма мендекмас. Бироқ мен уларнинг кўпчилигидан бахтлиман. – Шу гаплардан сўнг туйнук сирли тарзда йўқолиб, оқ девор яна ўз ўрнида пайдо бўлди. – Жуда яхши, – деди Кросс тили оғзида аранг айланиб. – Хўш, шундай қилиб, навбатдаги сароб нима ҳақда бўларкин?

Кейинги икки кун мобайнида у сирли мулоқот ҳақида умуман ўйламасдан ётиб ичди. Учинчи куни эса уни ташлаб кетган Бренда қўққисдан қайтиб келди ва ораларида одатдагидек можаро бошланди.

Тўртинчи кун эса тхаарликлар айтган ҳодиса юз берди.

**Алижон ЗОҲИДИЙ таржимаси**

# ЎЗИНГГА КЕЛ, ЎЗИМ

* * *

Оғирлашиб борар қадамлар,
Борган сарим оғирдир йўллар.
Билолмадим менга худойим,
Синовларни қўйганми йўллаб?

Қора тортиб кетар тонгларим,
Армон билан бирга уйғонсам.
Умидларим тўкилиб бир-бир,
Хазонларга қўшилиб ёнсам...

Ёлғиз қолиб ёлғизлик билан,
Қадаҳ тутиб қайғулар ичсам.
Кўзим очдим қулаб тушаман,
Тушларимда кўкларга учсам...

Ҳаётимга айланинг, тушлар,
Бахтсиз кунлар шунчаки тушсан.
Тангрим, мени ўнгимдан уйғот,
Уйғотмагин ҳеч қачон тушдан...

Уйғотмагин ҳеч қачон тушдан...

* * *

Тугатмасам бўлмайди энди,
Жонга тегди эҳ, бу ўйинлар.
Ахир сизга қандай ярашай,
Менга ярашмаган кийимлар?

Оғриқлари ҳали ҳам кетмас,
Оёғимни сиққан ковушлар.
Чиқмай туриб бўғзимда синди,
Юрагимдан чиққан товушлар.

О, бунчалар жонкуяр сабр,
Умиднинг ҳам даргоҳлари кенг.
Не бўлса ҳам, менга барибир,
Армонлар ҳам бир чақага тенг.

Ўзгармасам бўлмайди энди,
Енгилиш йўқ, фақат енгаман.
Бу майдонга ўрнимни излаб,
Ғалабалар учун келганман!

## ЎЗИНГГА КЕЛ, ЎЗИМ

Шабнамлар тўкилиб ёшимга келди,
Қайғулар тизилиб қошимга келди,
Ҳамма савдо менинг бошимга келди,
Ўзингга кел, ўзим!

Куз ўтди, қиш ўтди, офтоб сочди нур,
Чечаклар барг ёзди, ғунча очди гул,
Бўғзимни куйдириб куйлаган булбул,
Ўзингга кел, ўзим!

Шонсиз шукуҳимга шон келди ахир,
Томиримга олов – қон келди ахир.
Жонсиз жонимга ҳам жон келди ахир,
Ўзингга кел, ўзим!

Тушимга дунёнинг бозори кирди,
Не-не авлиёлар мозори кирди,
Жонимга тушларнинг озори кирди,
Ўзингга кел, ўзим!



Жаҳонгир НОМОЗОВ

Босган йўлларимда изим йўқ, қара,
Китобларда бирор сўзим йўқ, қара,
Кўкнинг кўзгусида кўзим йўқ, қара,
Ўзингга кел, ўзим!

* * *

Хаёлимнинг гўзал боғчаларини,
Кезаман нурафшон ой шаъбларида.
Бахтларга беланиб ётаман сархуш,
Осмоннинг юлдузли чойшабларида.

Фариштaлар менга алла айтади,
Ухлайман бемалол ором қўйнида.
Эртанги кунимдан ёруғ умидлар,
Ишончлар улғайиб борар кўнглимда.

Қўлларимни бутун кўкларга чўзсам,
Юлдузларга етар, ойга етади.
Бир лаҳза қуёшга тик боқсам агар,
Қуёшнинг кўзлари тиниб кетади.

* * *

Ҳамма сўзлар айтиб бўлинди,
Ўрин йўқдир бирор изоҳга.
Ўтмишингдан сўз очма энди,
Эсламагил ботиб гуноҳга ...

Унут ... фақат ҳаммасин унут,
Золимларнинг зардаларини.
Беркитиб қўй бегоналарга,
Нигоҳингнинг пардаларини...

Янгилама яраларингни
Бахтсиз ишқнинг мактубин ўқиб.
Бўлди, фақат бошқа йиғлама,
Қайғуларга кетасан чўкиб...

Бахтни изла, шодликни изла,
Нурдек тоза сатрларингга.
Ишқ нафаси турсин уфуриб,
Соғинчингнинг сатрларидан...

Уйғон, уйғон, бу рўёлардан,
Тушларингнинг дарчасини ёп.
Ишонч бизни йўқотмасидан,
Эй, юрагим, сен ўзингни топ!

* * *

Бир оғир хўрсиниқ келар ичимдан,
Шиддат-у исёнлар қайнайди қонда.
Мени озод айла, Парвардигорим,
Ўзинг солиб қўйган зиндондан!

Ҳаммаси ўткинчи, ҳаммаси ёлғон,
Барчаси лаҳзалик ёнгувчи шамлар.
Нафас етмай руҳим сиқилиб кетар,
Зиндонда бахтиёр яшар одамлар!

Минг шукр дилимни сенга боғладим,
Ва шунда англадим чин ишқнинг кучин.
Тангрим бу зиндонга чидадим фақат –
Сенга ошиқлигим, қуллигим учун!



Ашурали ЖЎРАЕВ (1956)

# ТЕЛЕТЎТИ

Ҳавжий ҳикоя



Бу махмадона тўти раҳматли отамиздан мерос бўлиб қолган. Ўшанда уни отамга карта ўйинида ютқазиб қўйган бир армани тўтифуруш ошноси совға қилган экан. Тўтимиз “Қуллуқ”, “Хўп бўлади”, “Жон ака” сингари сўзларни яхши ўрганиб олгани боис жуда кўп такрорларди. Шу боис уни баъзан “Қуллуқ тўти” деб чақирамиз. Уйга меҳмон келганида ё кетаётганида, қанотларини кўксига қўйиб, нуқул “қуллуқ-қуллуқ” қилганидан отамизнинг фотиҳасига келганларга ҳам “қуллуқ” қилавериб ҳамманинг ғашига тегди. Тўти бўлса ҳам отамизга мотам тутди... Ахир, қушда ҳам меҳр бор...

Отамизнинг барча маъракалари ўтганидан сўнг тўтимизни қафаси билан ҳовлидан меҳмонхонага кўчирдик. Ҳамма бало ана шундан кейин бошланди. Тўтимиз нуқул кўз узмасдан телевизор кўрадиган одат чиқарди. Баъзан “Телевизорни ёқ”, деб дўқ урадиган бўлди. Баъзан “Ёшлар”га, баъзан “Менинг юртим”га, баъзан эса “ЗўрТВ”га қўй”, деб кўрсатма беради. Баъзан “Наво” телеканалида бериладиган айрим саёз, ўртамиёна, бачкана, пала-партиш хиргойиларни эшитиб “Дур-рак”, деб қўяди. Айниқса, ҳинд, турк сериалларини қолдирмай кўради. Баъзан кўз ёши ҳам тўкиб қўяди.

Шундай қилиб, туппа-тузук юрган тўтимиз телевизорга астойдил меҳр қўйдилар. Ана шу меҳр туфайли, телевидение орқали ўтказилган суҳандонлар кўрик-танловида қатнашиб, ғолиб бўлдилар. Янги очилган хусусий телеканалга ишга кирдилар. Қисқа-қисқа хабарларни олиб бориб, телетомошабинларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Тез орада ўзининг “Эр-хотин муносабати” ток-шоу кўрсатуви орқали машҳур бўлиб кетдилар. Энди биз ҳам тўтимизни фақат телевизорда кўрамиз. Айниқса, у телеэкранга чиққан кунлари уйимиздагилар хурсанд бўлади. Ўзларича унинг кўрсатувини кўриб баҳслашади, муҳокама қилишади:

– Тўтимиз, роса боплаяпти-да! Яша, тўти!

– Қайда, роса опқочяпти, ярамас. Бировга гап бермайди, андишасиз.

– Тўтимас, бу безбет маддоҳ. Хушомадни қотиряпти, даъюс!

– Эшитдингизми, “Чўли ироқ”-ни “Чўли тароқ”, деб эълон қилди. Билмайди-да!

Тўтимизга барибир, чунки у ғирт саводсиз эди. Унинг ақли, фикри жағида эди. Ёдлаб олган беш-ўнта сўзни урчиққа ўхшаб айлантиргани-айлантирган. Ўзи рус тилидан мутахассис бўлгани учун эга, кесимни алмаштириб юборади. Ишшаймай ўл!

Бир куни кўрсам, телевизорда тўти билан ижодий суҳбат бўлаётган экан.

– Касбингиздан мамнунмисиз? – сўради бошловчи ёш тўти.

– Шу касбни танлаганимдан жуда бахтиёрман. Каминани ҳамма жойда танишади, ҳурмат қилишади. Ҳатто бозорда, мозорда, гулзорда кўриб қолишса, дарҳол дастхат ёзиб беринг, деб ҳоли-жонимга қўйишмайди. Машҳур бўлсам, нима қилай?..

“Устозларингиз ҳақида гапириб беринг”, деган саволга катта-кичик амалдорларни, казо-казоларни (хушомадгўй бўлмай ўл) тилга олди-ю, раҳматли отамни бир оғиз эсламади. “Ярамас, берган нон-тузимиз илоё кўзларингни кўр қилсин”, дедим жаҳл билан ичимда.

– Ҳаётда нималарни яхши кўрасиз-у, қандай одамларни қадрлайсиз?

– Биласизми, мукофот олишни жуда яхши кўраман. Мана яқинда “Йилнинг машҳур суҳандони” деб эътироф этилдим. Бу мен учун катта бахт. Каминага чўнтак ковлатмасдан, текин овқат олиб берадиган саҳий одамларни, дўстларимни ҳамиша қадрлайман. Зиёфат жону дилим. Асло овқат танламайман, тўй-маъракадан қолмайман.

– Нега бунча бақириб гапирасиз?

– Ойимлар дадамдан бекиниб, биттаси билан тоққа – катта шаршарага боришган. Ўша шаршара шовуллаб турган жойда туғилганман. Қарасам, ойим йўқ. Бақираверив, бақираверив, ойимни зўрға топганман. Шу-шу бақироқ бўлиб қолганман. Тушларимдаям бақириб чиқаман. Ота, бақирманг, деб ўғлим ҳам танбеҳ беради.

– Келажакдаги орзулар ва режаларингиз ҳақидаям сўзлаб беринг.

– Орзулар юксак, режалар баланд. Келажакда янада машҳур бўлиб, одамлар фақат мени севишини ва “Халқ тўтиси” бўлишни жуда-жуда орзу қиламан. Яна бир ниятим Жасур Умиров, Жаҳонгир Позилжонов, Сардор Мамадалиевнинг концертларида бошловчилик қилиш.

– Нега айнан ана шу хонандаларни танладингиз?

– Улар ҳам ўзимга ўхшаб бақироқ. Ҳатто телеэкранларда ҳам катта холасининг уйида ўтиргандек бемалол бақиришади. Улар учун тингловчи ҳам, томошабин ҳам чепуха! Бақириш юксак маданият белгиси эканини улар яхши билишади. Ҳозир бақироқлар замони бўлди-ку!..

– Нега номингизга “қуллуқ” сўзи қўшиб айтилади?

– Қуллуқ қилиш бизга ота-боболардан қолган бебаҳо мерос. Бирор нарса берармикин, деб учраган одамга қуллуқ қиламан. Қуллуқ қилавериб белим майишиб кетган. Тўтилар қуллуқ қилади, “пахта” қўяди.

– Яна бир савол: кўп ҳолларда ёлғон гапирасиз, бу ҳам етмагандай бир хил сўзларни такрорлайверасиз?

– Камина ўз номим билан тўтиқушман. Ёлғончилик ҳам бизга азалдан аждодлардан мерос. Бир хил сўзларни такрорлайвериш биз, тўтилар учун айб саналмайди, аксинча, фазилат. Жумладан, ёлғон айтиш ҳам. Кўча-кўйга чиқиб айрим одамлар билан гаплашиб кўринг, баъзи мажлисларда қатнашинг, ёлғондан тўйиб, ҳузур қилиб чиқасиз. Фақат аёллар, ёшлар ёлғон айтади, деб ўйламанг, соқоли кўксига тушган қариялар ҳам уялмай-нетмай ёлғонни суқаверади. Ҳозир ёлғончилик айб эмас.

– Китоб ўқиб турасизми?

– Болалигимда “Тўтинома” китобини бобом ўқиб бергани ёдимда. Чала-чулпа эшитганман. Китоб ўқишга тоқатим йўқ. Бўш вақтларимда тўйларга бораман. Ҳам давракашлик қиламан, ҳам қўшиқ айтаман. Тирикчилик. “Қистир-қистир”ни яхши кўраман...

– Шу кунларда қандай китоб ўқияпсиз?

– Айтдим-ку, китоб ўқимайман, деб. Ёмон кўраман. Лекин китоб ёзяпман. Ҳаётим ва ижодим ҳақида. Ҳадемай мухлислар қўлига тегади. Сизни, албатта, китоб тақдимотига олдиндан таклиф этаман. Келасиз-а?

– Ижодий фаолиятингизга ютуқлар тилаб қоламиз. Ва албатта, тақдимотда кўришамиз. Хайр...

– Кечирасиз, – деди тўти бошловчининг сўзини бўлиб.

– Фурсатдан фойдаланиб, саховатпеша инсонларга китобимга ҳомийлик учун хайру-эҳсон қилишларини илтимос қиламан. Олдиндан раҳмат, – деб тўтимиз яна эгилиб-эгилиб қуллуқ қилди.



Холиёр САФАРОВ




Ёзнинг салқин шомларидан бири. Кўп қаватли уй олдида ҳар галгидек одам гавжум. Ўриндиқни тўлдириб ўтирган аёллар қайси қўшнининг нима кийганидан тортиб, кеча оқшом қайси уйда жанжал бўлгани-ю, доллар курси нега бунча кўтарилиб кетаётганигача суҳбатлашишади. Уларнинг атрофида болалар ўйнаб юришибди. Ўғиллар бекинмачоқ ўйнашади, велосипед минишади, қизлар арғамчи сакрашади, “дом” ўйнашади. Аёлларнинг эса улар билан ишлари йўқ. Бири қўйиб, бири гап ташлашади.

– Ана, янги қўшни ишдан қайтяпти, – деди кимдир.

Шошилиб келаётган Назокат уларга салом бергач, бир оғизгина “Яхшимисизлар” деб ўтиб кетмоқчи эди, иккинчи қаватда яшайдиган қўшни аёл гапга тутди.

– Қўшнижон, келинг, биз билан беш дақиқа ўтиринг.

– Майли-ю, болаларга овқат қилишим керак эди-да. Ўзи кеч ҳам бўлиб қолди.

– А, чиқасиз-да.

– Ҳадемай, дадаси ҳам ишдан келади. Мен чиқа қолай. Лицейда абитуриентларим билан ушланиб қолдим.

– Доим шошилиб юрасиз-а.

– Ишда, опа.

Назокат тез-тез юриб, йўлакка кириб кетди. Қўшнилар бири қўйиб, бири у ҳақида сўзлай бошлашди.

– Мен шу аёлнинг бирор марта ҳам бу ерда ҳамсоялар билан ўтирганини кўрмадим. Саломлашади, уйига чиқиб кетади, – деди бирови.

– Доим жилмайиб туради. Жуда ўзига қараб юради-а, – деди чақалоқ кўтарган бир аёл. – Икки боласиниям қўғирчоқдай кийинтириб қўяди.

– Э, бунинг эрига меҳрибонлигини айтмайсизларми? – гапга аралашди қирқ ёшлардаги аёл. – Қачон бўлса, эрим ишдан келиши керак, овқат қилай дейди. Лекин бирорталаринг эрини кўрдингларми?

– Йўқ, – дейишди икки-учтаси баравариga. – Кечаси-печаси келиб кетар-да.

– Ўзи қишлоқдан келганлар шунақа эрига меҳрибон бўладими дейман, – деди ажрашган бир аёл. – Тавба…

У нега бундай деди, биров англади, биров англамади. Аммо анча пайтгача ўриндиқ атрофида Назокатнинг қулоғини қиздирадиган гаплар давом этди.

Назокат бу ҳолатга кўникиб қолган. Кўчиб келганига салкам бир йил бўляпти ҳамки, вазият шу. Худонинг берган куни уй олдидаги ўриндиқ одамга тўла. Қўшнилар доим унга гап ташлашади, гап олмоқчи бўлишади, аммо Назокат сир бой бермайди. “Болаларга овқат қилишим керак”, “Эрим ишдан келиши керак”, деб уйига чиқиб кетаверади. Аслида болалари ҳам дадасининг қачон ишдан келишини билмайди.

– Ойи, дадам қачон келади ўзи? – сўрайди қизи.

– Келади, қизим, келади.

– Кеча анув учинчи қаватдаги Ҳилола бор-ку, мен билан бирга мактабга борадиган, ўша менга “Ўзи сенинг даданг борми?” деди.

– Улар балони биларканми? – деди Назокат қизининг бошини силаб. – Даданг бор. Узоққа ишга кетган. Бир куни ярим кечаси келганди, сизлар ухлаб ётгандинглар, “Қўй, болаларни уйғотма, қара, чиройли бўлиб ухлаб ётишибди”, деб сизларни уйғотмади. Саҳарда яна ишга кетиб қолди.

– Дадам яна келса, мени уйғотинг, ойи. Дадамни жуда соғиндим.

– Ҳа, уйғотаман, қизим… Уйғотаман…

– Ойи, йиғлаяпсизми?

Назокат бирдан этагини қайириб, қароқларини артди.

– Йиғлаганим йўқ. Бугун компьютерда кўп ишладим, шунгами кўзим оғрияпти.

– Қора чой дамлаб босиб ётинг. Доим шундай қиласиз-ку.

– Майли, тўғри айтасан… – Назокат учинчи синфда ўқиётган қизининг саволларидан қочиб, ошхонага ўтди ва юзини ювди. Қараса, биринчи синфда ўқиётган ўғли дарсини қилиш ўрнига яшириниб, телефон ўйнаб ўтирибди. Унинг қўлидан телефонини олди. – Болам, дарсингни қил. Мен кирларни чайиб қўяй.

Ўғли опасининг ёнига ўтиб, дарсини қила бошлади. Назокат эса газ плитага бир челак сув қўйди. То сув исигунча ётоқхонага кириб, ўзининг ва болаларининг кийимларини кўздан кечира бошлади. Деярли ҳеч қайси кир эмас. Шундай бўлса-да, ўзининг кофтаси, болаларнинг кўйлакларини ажратди. Жавонни очиб, эрининг илгичда турган оқ кўйлаги билан шимини ҳам олаётиб, титраб кетди. Бўғзига аччиқ бир ўксиниш келди ва ғилт этиб ютинди. Сўнгра жавоннинг тепасига қўл узатиб, рамкага солинган портретни олди. Унда сочлари юқорига қараб таралган, кўзлари тийрак боққан салобатли йигит унга қараб турарди. Назокат ҳам бир лаҳза суратга тикилиб қолди ва «шурқ» эткизиб бурнини тортди. Шундагина у яна йиғлаётганини сезди. Сурат юзини силади ва кўксига босди.

– Эсизгина… шундай одам-а…

Назокат бу ҳолатда қанча турди, билмайди, ўғлининг “Ойи” деб чақирганидан ўзига келди.

– Ҳа, болам?

– Нима қиляпсиз?

У дабдурустдан сўзини йўқотди.

– Жавондаги нарсаларни йиғиштираётгандим…

– Дадамнинг расмими?

– Ҳа…

Назокат суратни жойига қўйди. Билагига ташлаб қўйган кўйлак ва шимни олиб, ўғли билан нариги хонага қараб юрди.

– Дарсингни қилиб бўлдингми?

– Ҳа, бўлдим.

– Опанг ҳам бўлдими?

– Ҳа, бўлди. Ойи, энди бирпас мультфильм кўрсак майлими?

– Майли, болам. Аввал менга уй ишларингни кўрсатинглар.

– Ҳозир…

Бола югуриб нариги уйга ўтди ва сумкасини кўтариб келди. Назокат аввал ўғлининг, сўнгра қизининг уй вазифаларини текширди. Ҳаммаси тўғри эди.

– Яшанглар! Ўзимнинг ақлли болаларимдан… – Назокат меҳри ийиб, болаларининг сочларини пийпалаб-пийпалаб қўйди. – Дадангиз келса жуда хурсанд бўлади-да, булар аълочи ўқишяпти экан, деб. Майли, энди телевизор кўраверинглар. Мен кир ювиб ташлай.

Опа-ука югуриб, яна изига қайтишди ва қалдирғоч болаларидай тизилишиб, мультфильм кўра бошлашди. Назокат эса ваннахонага кириб, кир ювди. Аввал эрининг ҳар ҳафта икки-уч бор ювиладиган кўйлагини чайиб олди. Кейин болаларининг кийимларини ювди. Охирида ўзининг нарсаларини. Сўнгра уларнинг барчасини чиқариб, ташқарига ўрнатилган дорга ёйди. Ёяётиб, пастда бир-иккита қўшни ҳали ҳам ўтирганини кўрди.

– Назокат, кир юваяпсизми? – деди уларнинг бири юқорига қараб.

– Ҳа, дадасининг кийимлари билан, болаларнинг нарсаларини юваётгандим.

– Келинг, гаплашиб ўтирамиз.

– Майли, бемалол.

Кирларни ёйиб бўлган Назокат уларнинг гапидан ижирғанди. “Мени кузатишдан бошқа ишлари йўғ-а…” Ваннахонага қайтаётиб, атайлабдан эрининг уй ичига киядиган шиппагини ташқарига, йўлакка чиқариб қўйди. Ортига қайтиб, ваннахонани тартибга келтирди, ошхонани саришта қилди. Эртанги дарсларга керакли китоб-дафтарларни сумкасига солиб қўйди. Шунда ҳам кўнгли тинчимади. Онасига қўнғироқ қилди.

– Ассалому алайкум. Яхшимисиз, ойи? Ҳа, тинчман, шукур. Невараларингиз телевизор кўришяпти. Лаббай? Йўқ, бошим оғримаяпти. Иш билан овуниб юрибманда, ойи. Эрталаб болаларни мактабга жўнатиб, лицейга кетаман, тушда ғирра келиб уларни овқатлантираман. Кейин яна дарсга кетаман. Беш-олти абитуриентларим бор. Шуларга дарс бераман, ҳарна рўзғоримга толчиқ бўлади. Лекин болам бечоралар кечгача ўзлари уйда ўтиришади. Бахтимга шу Гулчеҳрам бор экан. Ўзини эплаб, Нозимжонга қараб ўтирибди. Ҳа, уларнинг кўнглига қарайман, яхши гапираман. Шулардан бошқа кимим бор, ойи? Ҳей, барибир кечаси ухлолмайманда, раҳматли тушларимга кириб чиқади. Худди “Назокат, мен касалликни енгдим, тузалдим…” деб кириб келадигандек туюлаверади. Битта-ярим ҳамсоя-теваракнинг кўнгли тўқ бўлсин, битта гап кам бўлсин деб куёвингизнинг кийимларини ювиб, ташқарига дорга ёяман, шиппагини эшик олдига ташлаб қўяман. Қора бўлсин дейманда, ойи. Шу билан ўзимни кўп нарсадан ҳимоялайман. Яхшиям дадам шу уйни олиб берди. Бўлмаса, ижарама-ижара юрган бўлардим… Ким келади, дейсиз? Опам? Майли, дам олиш кунларига келсин. Гаплашиб ўтирамиз. Болалар ҳам дадасини сўрайвериб, юрагимни эзади. Бўлалари билан ўйнаб, пича овунарди. Нима дейсиз? Майли, майли, яхши дам олинг. Дадамни сўраб қўйинг…

Назокат телефонни қўйиб, болаларининг ёнига ўтди. Ухлаб қолишибди. Уларни жой-жойига ўтказди. Гўдаккиналар… ширингина бўлиб ётишибди. Уларга қараб Назокатнинг кўзи тўймайди, аммо қарагани сайин ич-ичидан нималардир чирт-чирт узилаверади.

– Гўдаккиналар, дадасининг тиззасида ўйнаб-ўйнаб ухлаб қоладиган вақти. Айни эркалик қиладиган, қилиқлари ярашадиган даври…

Назокат бошқа гапларни овоз чиқариб айтолмайди, кўзлари жиққа ёшга тўлади. Уларнинг бошида анча вақт ўтириб қолади. Вақт алламаҳал бўлганда секин уларнинг ёнидан кириб ётади.

Назокат туш кўради. Тушида эри билан гулзор оралаб юрган бўлади. Болалари қиқирлаб кулишиб, гул териб, гул ўйнаб юришади. Даста-даста гул кўтариб келиб, дадасига бермоқчи бўлишади. “Дада, дада?” деб чақиришади, аммо Назокат ҳозиргина ёнида юрган эрини тополмай қолади. “Ие, ҳозир даданг шу ерда эди-ку?” дейди, аммо атрофдан тополмайди. Атроф гулзор. «Даданг ҳозир келади», дейди болаларига. “Қачон келади? Фақат шунақа дейсиз, келмаяпти-ку. Мен дадамга гул териб келгандим” дейди қизи. “Келади, келади…”

– Келади, келади…

Назокат шу сўзни айтаётиб, уйғониб кетади. Деразa томонга қарайди. Тонг ёришибди. Энди туриши керак.

Назокат туриб, юз-қўлини ювади-да, аввал эрининг ташқарида турган шиппагини ичкарига олиб қўяди. Сўнгра болаларига нонушта тайёрлайди. Улар тургач, бирга тамадди қилишади. Ишга кетиш олдидан ташқарига ёйилган кирларни олади, аммо атайин эрининг кўйлагини дорда қолдиради. Чунки кечқурун олади… Шиппакни эса яна ташқарига чиқариб қўяди…



**Жазоир шарқидаги Гуэлма шаҳрида таваллуд топган Варда ЗЕРГИН шоира, ёзувчи, журналист бўлиши билан бирга, халқ оғзаки ижоди тадқиқотчиси ҳамдир. Унинг халқ мақоллари, жумбоқлари ва машҳур қўшиқларга оид халқ оғзаки ижоди бўйича китоблари нашр этилган. Араб, инглиз ва француз тилларида дилбар шеърлар битувчи шоиранинг шеърий сатрларини ўзбек шеърият мухлисларига ҳам илиндик.**

# Ўз овозим ўзимни чорлар

## ҚАМАЛ ВАҚТИДАГИ МУҲАББАТ

Юксалишнинг чорраҳасида
Севгим бўл менинг...
О, бу тўлқин оғушидаман,
Пўртаналар ваҳм эмас ортиқ,
Ваҳм эмасдир фавворалар ҳам
Ишқингдан ўзга.
Ол бағрингга, титрасин кўксим,
Сендан термоқдаман бахтимни,
Таваккалга урмоқдаман қўл,
О, бу сенсан – мени ғарқ этган,
Поклармисан хаёлларимни?
Барча фаслим севгингга тўлмиш
Деганди у ўз мактубида,
Ҳар недан азизроқ эди ул мактуб,
Мен сени севаман деб ёзганди у.
Ҳижрат этма томирларимдан,
Кўзгуйимсан кўрмакка ўзни,
Болишингни сийпаб ухлайман.
Ёлғиз эмассан дер, Қодир Эгам-да,
Қўрқаман ўзимга бегоналикдан.
Ўзимни топгали қибланомам бўл,
Гар сўлимда ишқий хотирам,
Жоним, ўзинг борлиғим менинг,
Гар ўнгимда оташ мактублар,
Жоним, ўзинг эҳтиросимсан –
Ибтидойим ўзинг бўлсанг,
севгилим,
Ўзинг бўлсанг интиҳойим ҳам...

## ҚАРОР

Мен сенинг эмасман,
Сен эмас менинг,
Сен тақдирим эмас,
Пешонам эмас.
Сен рангсиз дунёмнинг
ранги эмассан,
Кенглиги эмассан тор ўзанимнинг.
Сен мусиқа эмас телбавор,
Ё эмассан қалбим учқуни,
Пичири эмассан қароқларимнинг,
Ёхуд сенда эмас диққатим,
Бироқ тикиларман сен томон,
Балки...
О, балки...
Ўз овозим ўзимни чорлар,
Менинг юртим сенга ватанмас,
Осмонимиз бошқа-бошқадир,
Рад этмоғим – сирри руҳимдир.
Менинг истакларим ва
Сенинг хаёлингдан ташқари,
О, менинг бу эҳтиросимдан
Портлаб кетар мағрур қоялар,
Шунинг-чун қур,
Йўқ, буз,
Қурмоқ душвордир.
Сен менинг эмас...
Юр, деб қўлим тутган чоғларда
Уддалай олармиз
Олисдаги юлдузимизга
Бизнинг йўлимизни чиздирмоқни ва
Унинг кўнглин топмоқлик учун
Совғалар улашмоқни ҳатто.
Мен сенинг эмас,
Қўнғироқ қилсанг гар,
Камсуқумлик ва ўтинч ила
Кузат мағрурлигимизни ва
Кечиккан жудолик онларин
Эй...
Кутгил,
Ахир, борлиқнинг азми
Тақдир эрур,
Рад этилмоқ эса
Фалакнинг амри,
Сен менинг эмассан,
Сўзлама...

## ЧЎПЧАКЛАР

Кўп тинглардим гўдаклик чоғи
Кўп нарсалар:
ёвуз руҳлар,
арвоҳлар ва гоблинлар ҳақда,
Чўпчаксевар бўлиб қолдим мен...
...қадим-қадим замонда...
Билмаганим ўрганмоқ учун
Қадрладим ҳар бир имконни
Вақтни қувиб ўтгани гўё
Бироқ биламанки,
Қўрқувимдир бу,
Чўпчакларни мадҳ этмоққа
бўлган андишам,
Биз бунда ўсармиз,
Бироқ чўпчаклар ўсишмас
Ўсиб бораётган қўрқувларимда.
...қадим-қадим замонларда...
Биз Ундан эмасмиз!
Кеча қўрқув тиланган эдик
Яширинмадик ҳам ҳеч қурса
Талончилик тасвирларидан,
Сўнгра биз ҳам
чўпчакларга айландик,
Биз эврилдик барча нарсага.
Нон ва бир финжон сутни
Қандай тармоқ ҳам муҳим-ку ахир.
Бизни бирлаштирар
чўпчак шифтлари
ва болакайнинг мадҳияси
Ахир бу ҳам муҳим-ку...
Барча нарса кўрилар баҳам...
Гўдак табассуми,
Кўнгил азоби,
Барча-барчаси.
Биз қўрқамиз фақатгина
ўз чўпчакларимиздан,
ўз девларимиздан,
гоблинлардан.
...қадим-қадим замонда...
Барча чирой эврилди охир
биз чиройли қурган бағритошликка,
бунда гоблинларга ишонч йўқ,
арвоҳлар ҳам йўқ,
Нон ҳам ортиқ мўъжиза эмас.
Гарчи баҳам кўрилмаса-да
Ўз йўлини билмас камина
Балки менинг ўз йўлим йўқдир...

**Инглиз тилидан**
**Шоҳрух УСМОНОВ таржимаси**

# Соярсиз қанча йўл босиб ўтдик

**Таниқли ҳинд шоири Партҳа АЧАРЯ 1974 йили таваллуд топган. Унинг роман ва ҳикоялар тўпламлари китобхонлар меҳрини қозонган. Қисқа ҳикоялар тўплами учун 2018 йили Равишанкар адабий мукофотига муносиб топилган.**



### 1. ЙЎЛ

Билмам, билармисан қанчалар олис
йўл юрдим сен томон, бу узоқ сафар.
Фақат сени излаб дунёйи дунни
кездим, о, дарбадар.

### 2. БЎШЛИҚ

(А)

Бўшлиқда уйғондим, ёлғизлик ишғол
этган бу сарҳадлар буткул унутдай.
Дарахтлар ва мени эслади ёмғир,
Мен қотдим, тош қотдим,
сузди булутлар.

(Б)

Она эртак билар ва сўйлар ҳазин,
Кимдир сабаб топар кулишга тайин,
Яна ким бесабаб жилмаяр аста.
Гўёки, уларнинг эртакларида
Йўқ бирорта мағлуб, йўқ бирор хаста.

### (3) ИЗҲОР

Хоналар ичинда яна бир хона,
Ёт қўшиқ жаранглар соҳир бир оқшом,
Кўзёшлар титранур бирам беозор,
Чалкашлик тўкилар ундан бетиним,
Ахир, севасан-ку, қани дилизҳор?

### (4) ПОЧТА ҚУТИСИ

Почта қутисидан чиқди капалак,
Тор чалиб, ичимда ҳайрат ўстирар.
Биз уни рўё деб билдик, валекин
Томчилар рақс этди дарё устида.

### (5) ҲИКОЯ

Бу экин майдони,
Ана, тасдиқлайди бир гала қушлар.
Бетизгин қанотлар чарчоқни ушлар,
Вақт учади уфқда, билмас ниҳоя.
Тумшуғида дон-дун келтирар бир қуш
Бошқа экинзордан, ғалат ҳикоя.

(Б)

Ҳар қадамда ўзга ҳикоя,
Кимдир ўқир, кимдир тортар бош.
Кўнглинг қай бирини қилмоқ тайинлар?
Кула бошлар кекса тошбақа,
Йўлни билар фақат қайиқлар.

### (6) МАВЖУДЛИК

Ёға бошлар тупроққа кекса қуёш нурлари,
Кўча дайди итлари қарамас ҳеч қаерга.
Барча ташна, негадир чиқармас ҳеч ким садо,
Балиқ овламоқлик ҳам ҳалигача бир хаёл.
Синган тошлардан она тайёрлаганда емак,
Бу хатолик ортида барин унутар гўдак.

### (7) ФАЛСАФА

Жаҳолатга қарши, нафратга қарши
Муҳаббат энг буюк фалсафа асли.
Инсон келиб-кетди, ҳануз курашга –
Эртаклари ундар бизни – яшашга.
Уларни тутмоққа қилдик ҳаракат,
Тирик сўзлар аро яшаш ҳақиқат.

### (8) ЯНГИ НАЗАРИЯ

Тошга айландию бир тирик инсон
Ва думалаб келди, беролди бардош.
Борки зиёлилар чиқди кўчага,
Оёқлар остида силлиқланди тош.
Одамлар боқарлар, кўз бўлар очун,
Кашф этмоқ бўларлар янги бир қонун.

### САМОВИЙ МАКОН

У сўзлар ривоят – қадим, кўп қадим
Қушлар ва уларнинг севгиси ҳақда.
Дарбова ёнида ўлтирардим жим,
Пешин тунга дўнган ўша дақиқа.
Жимгина осмонни ўпар бинолар
Қизарар уфқнинг гўзал юзлари.
Ногоҳон осмоннинг йўлакларида
Кўринар қушларнинг оёқ излари.

### АФСУНЛИ

Тун шамол келтирар ҳовучларида
Ҳалокат уруғин кўмдим билмайин.
Тупроққа шунчалар қадалди чуқур,
Ўсди, ҳид таратди ўзидан майин.
Инсон соясидан ажралди буткул,
Ахир, у нафратга қарши экилган
Уруғ эди-ку...

### ҲИКОЯ

Зулумотга бўяб тун барчамизни,
Ҳамон умид ҳақда куйларкан қўшиқ,
Юрак юришини тинглаймиз жўшиб.
(Озодлик аслида муборак оғриқ)
Соярсиз қанча йўл босиб ўтдик,
Кел, суҳбат қурайлик ушбу дақиқа
Капалак умри ва ўлим ҳақида.

### ИФОДА

Осмоннинг бағрига ўзин отди уфқ,
Остонамни буткул тарк этди бўйинг.
Бемажол қайтдилар уйга одамлар
Кўксига бузилган қалб илган куйи...

Қайиқда биргина бўм-бўшлик қолган,
Йўқ бунда ҳеч қандай махфий саёҳат.
Ўтмишин денгизга кўмган қайиқчи
Хотиралар аро сузмайди фақат.

Унинг ёлғизлиги эмасми ёлғон?
Ҳар ким уни ҳар хил тасвирлар ҳамон.

### УЙҚУ

... Ва ё кипригингда эмаклар уйқу,
Оқ-қора тасвирлар сузар тушингда...

Одам хоки билан тўлган бир идиш,
Тобут тепасида саросар булут.
Тўлқинланиб кетар Ганганинг қалби,
Уйғониш қўшиғин янграшини кут.

Пинҳон тайёрланар тунда кулчалар,
Норизо инсонлар олис қишлоқда.
Улар халқ ролини ўйнарлар бекам,
Ўрмон толмас ойнинг нурин термоқдан.

Кимдир қисмат билан қилар таваккал,
Худо ҳаққи тўхтанг бир дақиқага.
Бир куй кўнгилларни айлар маҳлиё,
Кетса топиб бўлмас, кетади қайга?

### ДУНЁ

Ўша ер охирги ёруғлик уйи,
Валий-у малаклар қизғин баҳс бошлар,
Фаввора рақсига уйғун ҳис туйиб.
Орзу қадам ташлар.

Думи билан недир чизаркан итлар,
Жонсиз балиқ сузар дарё ичида.
Ахир, бу сайёра оддий глобус
Ва қўғирчоқлар бор дунё ичида.

**Инглиз тилидан**
**М. АБДУЛЛАЕВА таржимаси**



**ОЙДИННИСО**

**Дугонам Дилрабо сизни бир пайтлар мендан қизғанган эди. Мендан аввалроқ унинг кашфиёти эдингиз сиз. У қаердандир топиб келган муқовасиз, титилиб кетган китобчани мен ўзлаштириб олдим ва сизни ўзимники қилиб юрдим. Ахир, менинг ичимдаги қўшиқлар бор эди унда. Мен тўлғона-тўлғона кўтариб юрган, сўзга кўчиришга кучим етмаган қўшиқлар. Улар тонг ҳавоси янглиғми, гўдакнинг қиқиридайми, олов атрофида сакраб рақсга тушаётган дарвешнинг жазаваси кабими, юрагида йиғисидан бўлак ҳеч нимаси йўқ фақирнинг қаҳқаҳаси мисолими, ё шамолдай увиллаб ҳар эшикка бош суқиб ўзини излаб юрган менинг ўзим сингарими жаранглаб турарди китоб ичида, менинг ичимда...**

# СЕН МЕНИНГ

## (Абдували Қутбиддинга мактуб)

Биз СамДУда ўқирдик ўшанда. Мен биринчи курс, дугонам тайёрлов курсида. Маъмуриятдан сиз билан ижодий учрашув уюштиришларини талаб қилдик. Эшитдикки, фалон куни келармишсиз. Менинг шоирим келармиш! Намойишкорона мақтандим, намойишкорона кутдим. Оралиқдаги кунларни яшамадим, улардан ҳатлаб ўтиб кутилган кунга етдим! Сиз эса келмадингиз... Эртасига иситмалаб ётиб қолдим. Дарсга боролмадим. Кечқурун эшитдимки, келибсиз! Менсиз кунда университетга келиб, тебрана-тебрана, тўлғона-тўлғона шеърлар ўқибсиз. Чидаб бўлмас бебаҳралик эди бу мен учун. Йиғладим. Кўзёшларим ҳозиргидай санчилиб тўкилдилар.

***Тийра гирёнларда отлиқ***
***дард ҳоким,***
***Ки зулфи оташи***
***аждарлар балким.***
***Боримни бахш этдим***
***ромингга сенинг,***
***Сен менинг,***
***Сен менинг,***
***Сен менинг.***

Кетдингиз, устозим. Кетдингиз, шоирим. Ўшанда ҳам кетгандингиз. Фарқи шундаки, унда сизни кузатолмаган бўлсам-да, излаб боришим мумкин эди. Бордим ҳам. Мен сизни излаб ҳаётимда илк бор Тошкентга йўл олдим. Оёқларим ерга тегмади, учдим, йўллар қанот қоқди мен билан бирга. Шундан буён қачонки Самарқандга борсам ва қайтиб Тошкентга йўл олсам, йўллар сизни эслаб қанот қоқади. Тошкент энди она шаҳримдай бўлиб кетган эса-да, бунда мен излаб боргувчи ва мени излаб келгувчи қадрдонларим кўп эса-да, йўллар ҳамон сизни эслаб қанот қоқади. Учаётган бир мен ва йўллар эмасди. Дилрабо бор эди ёнимда. Тиниб-тинчимас ўқитувчимиз Ойгул Маматова ҳам бор эди. Юрагимда бори ҳам биргина чексиз ҳаяжон ва сизга талпиниш ҳисси эмасди. Амакингиз, гўзал инсон – ўша пайтлар СамДУнинг проректори бўлган Муслиҳиддин Мухитдиновга миннатдорлик ҳисси ҳам бор эди. Нима қилган, нима қўйган, билмайман, megдай йиғлоқи талабасини сиз билан таништириш учун бизнинг Тошкентга сафаримиз харажатларини университет ҳисобидан тўлаб берганди. ТВда ишлардингиз ўшанда. Ўқитувчим ички телефондан қўнғироқ қилиб чақирди сизни. Тушиб келдингиз. Шеърга, сўзга, сизга ихлосманд ўн саккиз яшар икки қизнинг ёнига баландлардан пастлаб, тушиб келдингиз.



Мен Шоир Абдували Қутбиддинни кўрмоқчи эдим. Қай алфозда кўрмоқчи эдим? Билмайман, эҳтимол, сиз ёзган шеърларни қоғоздан ташқарида, тирик одам қиёфасида кўрмоқчи бўлгандирман. Негадир тасаввур қилишга ҳам журъатим етмаган. Қаршимдаги инсонни агар тасаввур қилганимда, танишгани юрагим дов бермасмиди. Рости, ўша илк суҳбатимизни эслашга, нимадир мисол келтиришга ҳарчанд уринмай, кучим етмаяпти ҳозир. Эсимда қолгани – фақат қўрқув ҳисси. Бошини бир томонга оғдириб, гўё суяш учун тутган каби бир елкасини пастлатиб, қандайдир содда, қандайдир мураккаб, жунунваш қиёфада кутилган ва кутилмаган бир ҳодиса тушиб келган эди ёнимизга. Бу ҳодиса, бу ифода нимаси билан юрагимга ваҳима солганди, ифодалаб беролмайман.

Ўша учрашувдан кейин сизни қайтиб кўргим келмай қолди. Нега? Чунки сиз билан кўришгани, суҳбатлашгани маънан тайёр эмасдим ҳали. Ҳа, сабабни белгилашда адашмаяпман, деб ўйлайман, шундай, тайёр эмасдим. Чунки кўп катта шоирларга тақлид қилардим. Ҳаваслана-ҳаваслана, тақлид қила-қила моҳиятига ета бошлагандим кўпчилигининг. Танганинг орқа ва ён томонларига назар сола бошлагандим. Ҳатто улардан ўтказиб ёзишга ҳам уриниб юрардим. Аммо... сизга тақлид қилишга-да нафасим етмади. Етмади!

Илк учрашувдан сўнг йиллар ўтиб биз тасодифга кўра бирга ишладик. Ҳатто бир хонада ўтирдик! Ҳатто иккинчи китобим "Номсиз"га масъул муҳаррир бўлдингиз! Ҳатто янги ёзган шеърларимнинг илк тингловчисига айландингиз! Шеърларингизнинг илк тингловчиси бўлдим! Танангизга сиғмаган руҳингизни кўрдим, даҳлизларда: "Оҳо-ҳой, мен шеър ёздим!" дея ҳайқириб юрганларингизни кўрдим! Ҳатто моддий масалаларда раҳбар билан мен учун тортишиб-талашдингиз! Кейин эса йўлларимиз айро тушди. Ойлаб, йиллаб дийдорлашмадик. Аммо, ишонинг, сиз ҳамиша мен билан бирга эдингиз. Масофа ва вақт аҳамиятсиз эди. Қачон ва қаерда чақирмайин, етиб келардингиз. "Бор"ни қўлимга олсам, бас, бор эдингиз. Мен-чи? Чақирганингизда етиб боролдимми? Мени чақирдингизми? Буниси қоронғу. Ёруғ жойи шуки, сиз онда-сонда аралашиб қоладиган тадбирларда кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашганимизда чин юракдан қувониб кетардингиз: "О-о-о, онагинам!", "Бу менинг биттаю битта ҳақиқий шогирдкам бўлади", "Сизларнинг энг яхши ишларинг – шу қизни уюшмага аъзо қилганларинг бўлибди"... Сизни кўриб бир қувонсам, қувонганингизни кўриб икки қувонардим. Эҳ, Сизга ва ўзимга бундай қувончларни жуда кўп туҳфа этишим мумкин эди.

***Ризо чайласида оҳунинг рози,***
***Жамбил хоҳишига монанд овози.***
***Дўззахий бўлса ҳам***
***каломинг сенинг,***
***Сен менинг,***
***Сен менинг,***
***Сен менинг.***

Бугун Сизни кузатиш учун йиғилдилар. Чораси йўқ, ахир, кузатмасликнинг. Қўлларида кўтариб олиб бордилар, қизғанибгина тупроққа бердилар ва... қалбларига жойлаб, олиб қайтдилар... Мен эса "Бор"ни қўлимга олдим. Етиб келдингиз. Ва англаб қолдимки, сиз ўлмагансиз.

Йўқ, кўзёшларимга қулоқ солманг. Улар ҳайқираверадилар. Мен яна англаб етдимки, Сиз тўғрингизда ўтган замонда гапириб бўлмайди! Ахир, ҳаммаси фақат ўтмишда қолган эмас, ҳаммани титратган бугунингиз бор, севилиб яшашда давом этгувчи эртангиз ҳали олдинда. Ҳа, ўлган одамларнинг фақат ўтмиши бор, тирик шоирларнинг эса эртаси ҳам олдинда...



Рэй БРЭДБЕРИ
(1920–2012),
АҚШ ёзувчиси

# МЕН СИЗНИНГ ЁШЛИГИНГИЗГА ҲАВАС ҚИЛАМАН

### (2000 йили Калифорния технология институти битирувчиларига сўзлаган нутқи)

Мен сизнинг ёшлигингизга ҳавас қиламан. Агар ёшликка қайтиш ва ҳаммасини қайтадан бошлаш имкони бўлганда, мен иккиланмай яна шу йўлни танлардим. Ҳаётимда содир бўлган барча яхши-ёмон кунлар, хатолар ва муаммоларга ҳам қарамай қайтган бўлардим. Уйланаётган вақтимда рафиқамга ҳам дўстлари: “Турмушга чиқишга шошилма, у ҳеч қаёққа кетиб қолмайди”, дейишган. Шунда мен ундан: “Мен Ойга учиш, Марсга саёҳат қилиш истагидаман, мен билан бирга борасизми?” деб сўраганман. У рози бўлган. У камбағаллик хирқасини эгнига илишга ор қилмади. Тўйимиз куни менда бор-йўғи саккиз доллар бор эди. Шундан беш долларини хатжилдга солиб, бошловчига бердим. У “Бу нима?” деб сўради. “Бугунги маросимдаги хизматингиз учун ҳақ”, дея жавоб қилдим мен. “Сиз ёзувчисиз, тўғрими?” деб сўради у яна. Тасдиқ жавобимдан кейин эса “Бу пул ҳали ўзингизга керак бўлади”, дея қайтиб берди. Орадан икки йил ўтиб, мен унга катта миқдорда чек юбордим.

Мен айрим ҳикояларимни ўзим ғайриихтиёрий ҳолда, ички туғён билан ёзганман. Ҳаётда ҳар қандай ҳолатда ҳам ана шундай туғёнларга изн бериш жоиз.

Мен айтган йигирма йилдан сўнг, мен юз ёшда бўламан. Мен шунда ҳам ҳаёт бўлиб, аксариятингиз билан яна учрашиш умидидаман. Ишонаманки, ўша вақтда, “Шу йигирма йилни нега ҳавога совурдингиз?” дея сизларга таъна қилишга ҳожат қолмайди.

Нима бўлишидан қатъи назар, ҳаракат қилинг, олға интилишдан тўхтаманг! Албатта, хатолар ҳам бўлиши мумкин, бу дунёда мутлақлик йўқ. Мен ҳеч кимнинг ҳеч қачон нигоҳи тушмайдиган минглаб сўзларни ёзганман. Мен ижод тўлғоғидан қутулиш учун уларни ёзишим шарт эди. Кейин яна кўплаб бошқа нарсалар ёздим. Шу тариқа, яхшилари қолади, эскилари эса эскиради.

Яна таъкидлардимки, телевизорни ўз ҳолига қўйинг, Интернетга ҳам ҳадеб кираверманг, боиси, у ерда кераксиз нарсалар ниҳоятда кўп. Имкон қадар кутубхона билан ошно бўлинг, иложи бўлса, ўша ерда яшанг ҳам. Эътибор берсангиз, мен коллежда ўқимаганман, лекин кутубхонага боришни канда қилмаганман. Сўнгги эллик йил мобайнида асосий борар жойим кутубхона бўлган.

Энди эса сизнинг бу оламдаги мавқенгиз ҳақида қисқача сўзламоқчиман. Сиз бу оламга коинот мавжудлиги учун ҳам жойлангансиз. Агар одамзод бўлмаганда, коинотнинг мавжудлиги ҳам ўз маъносини йўқотарди. Шу боис сизнинг вазифангиз – Коинот зарраси сифатида унинг борлигини ҳис қила билиш. Бу вазифа сизларга Яратган томонидан берилган. Ўз яралмишингизга мос бўлган ҳолда ким бўлиб туғилганингизни, туғилиш нима ва ҳаётда нималар қилиш кераклигини англаш – асосий вазифангиз.

Аслида, инсон туғилганда Яратган томонидан унинг тақдири битилади. Қандай қисмат битилмасин, инсон, айниқса, ижодкор ҳаётга бир марта келишини теран англаган ҳолда, коинотнинг бир зарраси эканини ҳис этиши ва берилган ҳаёт деган неъмат учун миннатдорлигини билдира олиши, истеъдодини намоён қила билиши шарт.

Бугун шу ерда йигирма ёки ўттиз йилдан сўнг Марсда истиқомат қилиши мумкин бўлган бир қанча инсон ўтирибди. Мен сизларга чиндан ҳавас қиламан. Мен Қизил сайёрага инсон қадами етган кунга қадар ҳаёт бўлишни орзу қиламан. Мен бундан бир неча йил олдин Викинг Ландер фазо кемаси ўша сайёрага қўнганда, реактив ҳаракат лабораториясида бўлганман. У ерда Карл Саган, Брюс Мюррей ва бошқа бир қанча таниқли кишилар бор эди. Марсдан дастлабки суратлар келгач, Рой Нилл “Жаноб Брэдбери, бунга нима дейсиз? Ўттиз йилдан буён сайёрада ҳаёт мавжудлиги, марсликлар истиқомат қилиши тўғрисида ёзасиз. Мана, ҳозир биз Марсдамиз, бу ерда ҳаёт асари ҳам йўқ. Шаҳарлар ҳам йўқ, марсликлар ҳам...” деди. “Марсда марсликлар бор, бугундан бошлаб биз марсликлар бўламиз”, дея жавоб қайтардим. Кунларнинг бирида, тунда, элликми ё олтмишми йиллар ўтиб, сизларнинг қай бирингиздир Марсда бўлишингизга ишонгим келади. Сизлар у ерга “Марс кундаликлари”ни – мутлақо илмий бўлмаган асарни олиб боринглар. Бу асарнинг асосида Юнон, Рим, Миср, Скандинавия асотирлари ётади. Мен уни фактларга эмас, туш, тасаввур ва хаёлотга асосланиб яратганман.



Шу вақтгача менда ҳозир сизларга айтган сўзларимни етказиш имконияти бўлмаганди. Ҳозир эса айтаман – келажак, агар у билан ишлаёлсангиз, бизларга тегишли бўлади, албатта. Биз Ойга бориб қайтамиз, у сайёрада қолмаслигимиз керак эди. Биз чексиз коинотга йўл олиш учун, албатта, Марсга етиб борамиз.

Эътиборингиз учун сизларга катта раҳмат.

**Маъруфжон ТОШПЎЛАТОВ таржимаси**

---

Ҳалима АҲМЕДОВА

# ЙЎЛДАН ҚЎЙМАНГ, МЕНИ КУТАР ДЕНГИЗИМ БОР...

**Баъзан менда шундай бўлади: ўзимга-ўзим асир тушаман, ҳеч кимни кўргим, эшитгим келмайди, ҳамма нарса ўз мазмунини йўқотади. Битта нуқтага жим қараб ўтиравераман, токи қандайдир тўлқин кўнглимга урилиб, мени ўзимдан қутқармагунча...**

Ўшандай ҳолатда эдим, “Китоб дунёси” газетасининг 13 май сони қўлимга тушди. Руҳим алағда, ҳеч нарсага қўлим бормаса-да, ташналикдан қовжираб бораётган кўнглим ҳаққи уни варақлаб тўлқин изладим.

*Кўксимга чиройли ҳаво урилди:*
*...Бутун олам ва бу оқшом,*
*Қанча гўзал, қанча сулув.*
*Дилим тангдир.*
*Сокин эсган шамоллар ҳам,*
*Тун ишқига ҳамоҳангдир...*

Бу мисралар анчадан буён чанқаб, бемажол тентираган руҳимга худди новвотчой узатгандай бўлди. Билмадим, кимгадир оддий ва шунчаки айтимдек туюлгувчи:

*Қўрқаман,*
*Ёлғонлар мени парчалар,*
*Истамам, ҳеч нега ишонмоқликни.*
*Қўрқаман,*
*Тушларда бахт бор бўлса гар,*
*Хоҳламай яшайман уйғонмоқликни,*

– мисралари менинг карахт жисмимни жимирлатди. Гўё сокинликдан чарчаган қалбимга кимдир нафас ургандек бўлди, чайқалдим.

Гарчи “бахт” сўзи ҳар доим эриш туюлган бўлса-да, мен бу гал илҳақ шоирнинг бахт туйғуси қамаштирган кўнглига яқин бордим.

“Мовий рангдир, мовий рангдир...” номли катта сарлавҳа остида берилган шеърлар муаллифи, озар шоираси Офоқ Шихлини аввал билмас эканман. Кейинга пайтда “Китоб дунёси” Озорбойжон шеъриятига катта ўрин ажратаяпти. Бу ҳам балки руҳий яқинлик ҳосиласидир. Майли бу ўз йўлига, аммо, айни дамда Офоқнинг барча шеърларини ўқигим келяпти.

Офоқ Шихлининг асли касби шифокор экан, қизиқ уни адабиётга тортган куч нима экан-а? – деган савол бир лаҳза хаёлимдан ўтди. Ва яна уни ўқишни давом этдим:

*Бир он бўлсин тинч қўймаган хаёлимни,*
*Юрагимнинг оғриқ номли юлдузи бор.*
*Тўлқин-тўлқин мавжлар урган денгизимнинг,*
*Кўксим узра ҳасрат деган чўнг изи бор...*



Мовий рангдир, мовий рангдир, мовий рангдир...
“ВАТАН” СИМФОНИЯСИ
ОТАМГА

*Мен*
*Кўзи зор бир денгизнинг авлодиман,*
*Селга тўлиб қайтадурман*
*ҳали бир кун...*

Билдим, Офоқда денгизлик соғинчи бор, бу соғинчни фақат шеърга тўлган кўнгилгина кўтара олади.

У яна армондан баландроқ, орзуга яқинроқ овозда айтади:

Юракдаги “оғриқ юлдузи” ҳаммамизда бор, аммо ана шу юлдузнинг кўзига тик қарашга доим қўрқамиз. Офоқ уни хаёлига, руҳига олиб кириб, гўзал туйғулари билан меҳмон қилади.

Кўпинча “тушкун шеър” деган иборани ишлатамиз. Айтингчи, дардсиз юрак ҳеч жаранглайдими, жаранглаcа ҳам ёлғон жаранглайди. Офоқнинг шеърга кўчган дардлари жуда ҳам ёруғ, балки уни “оғриқ юлдузи” шуълалантириб туради. Унинг мовийланган шеър япроқларидан, нафаси сиқилмайдиган ҳаволаридан кўнгилга ёруғ дард тўкилади ва негадир руҳингиз енгил тортади.

Аслида дунёдаги барча инсонларда шоирлик бор. Аммо дард ва соғинчнинг даражаси, сўзга сингиб кетиш қобиляти баландроқ бўлганларгагина ҳақиқий шоирлик насиб этади. Инчунун, Офоқ ҳам шоирлик рутбасига талпиниб дейди:

*...Ҳаёт бордир,*
*Кулиш бордир,*
*Шодлик бордир,*
*Фақат мендан олисларда, узоқларда...*

Офоқ нега менда гўзал ҳаёт, шодлик йўқ деб ғавғо қилмаяпти, аксинча, ўша олисликни суйиб, шивирлаяпти. Бу шивирлар орзуни қўмсаган армондай ёқимли, дарёга талпинган булутдай сирли...

Бора-бора бу нафис шивирларнинг қон томирига соғинч шароби қўшилиб, шеърнинг сўнгида мастона ҳайқириққа айланади:

*... Эй, аёзлар,*
*Эй, бўронлар,*
*Тоғлар, қочинг,*
*Йўлдан қўйманг, мени кутар денгизим бор...*

Шоирада шоирлик даъвосидан кўра кўнглидаги дардларини ошкор этиш, унинг ичига кириб олган изтиробни фош қилиш истаги баланд.

Отасини йўқотганлар – дунёнинг мағрур елкаси бирдан чўкиб, тўрт томондан бостириб келаётган қайғу азобининг шамолини, паноҳсизларни қамчилагувчи ҳаёт изғиринларини ҳис қилишади. Офоқнинг ҳолатидаги бу ҳиссиёт мардона дард билан уйғун келади:

*... Минглаб овоз ичидан,*
*Топмадим, қидирмай минг,*
*Отам овози қани?*
*Қайга қилай қўнғироқ,*
*Айтгин ахир, Худойим,*
*Борми?*
*Бўлса нечадир*
*У дунёнинг рақами?!*

Офоқ туйғулари ҳароратини ўқувчига юқтира олади, унинг шеърларидаги кавказча юртпарастлик, дангаллик, ростгўйлик, ҳар қандай шоирнинг ҳавасини келтиради:

*...Ғурбат, дилим, минг жойидан*
*бўлганда ҳам,*
*Ҳасратларим, қучоғимга*
*тўлганда ҳам,*
*Сўнгги дамда –*
*Сўнгги истак бўлажаксан,*
*ўлганда ҳам...*

Тўғри, Ватан, юрт ҳақида бир-биридан юксак шеърларимиз кўп. Аммо Офоқнинг шеърларида фахру ифтихордан кўра бир ҳалол соғинчнинг гупуриб тургани жуда ёқимли.

...Айтадиганларим кўп, лекин ўзинг айтгандай, сени йўлдан қўймай, ахир сени ўзинг талпинган, соғинган, соғинтирган денгизинг кутаяпти. Ўша денгиз сари борадиган йўлинг бехатар бўлсин, Офоқ!

---

## ХОРИЖДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЮЗАСИДАН СИЗНИ ҚИЗИҚТИРУВЧИ БАРЧА САВОЛЛАРГА УЛАРНИНГ ЎЗЛАРИДАН ЖАВОБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

**Роберт АДАМСОН,** Австралия, Сидней Адабиёт ҳамжамияти мутахассиси.

**Беттина БАЛЕКА,** Австрия, шоира, “Австрия адабиёти учун” давлат мукофоти маслаҳат кенгаши аъзоси

**Кристофер ФОРД,** АҚШ, Мичиган университети илмий ходими.

**Рикардо ДОМИНИК,** Бразилия, Жанубий Америка инглиззабон шоирлар ассоциацияси маслаҳатчиси.

**Ҳусайн ибн ҲАМЗА,** Германия, Германиядаги шарқлик шоирлар уюшмаси раҳбари.

**Акиф ХОНСУЛТОН,** Грузия, “Қорапапақлар” илмий журнали Бош муҳаррири.

**Мзвакхе ИБУЛИ,** Жанубий Африка Республикаси, Африка Миллий шеърият академияси саркотиби.

**Нилл АЙТКЕН,** Канада, Торонто адабий таржима бирлашмасининг Осиё мамлакатлари бўлими бошлиғи.

**Ким Бит НА,** Корея-Ирландия, Ирландия Миллий университети шарқшунослик факультети илмий ходими.

**Ҳангюк АГИАТ,** Непал шоири, “Ражан Мукарунг” ёзувчилар кенгаши етакчи мутахассиси

**Ҳонг ИН,** Хитой адибаси, Пекин таржима маркази ходими

**Зарина КАНУКОВА,** Қабардин-Болқор, “Горянка” газетаси Бош муҳаррири.

**Олтинбек ИСМОИЛОВ,** Қирғизистон, Манас университети ўқитувчиси, шоир.

**Эркин СЕРИКБАЕВ,** Қозоғистон, “Жалин” журнали масъул котиби.

**Зера БЕКИРОВА,** Қирим, “Янги дунё” газетаси Бош муҳаррири.

**Ҳадда СЕНГОР,** Мўғулистон, Мўғулистон Ёзувчилар Иттифоқининг “Халқаро алоқалар” бўлими бошлиғи.

**Ҳанне ЭРСТАВИК,** Норвегия жамияти етакчи мутахассиси.

**Акбар ҚЎШАЛИ,** Озарбойжон, Дунё ёш туркий ёзарлар бирлиги раиси.

**Алмаз УЛВИ,** Озарбойжон, навоийшунос олима, профессор.

**Рафиқ САЙДУЛЛО,** Россия (Архангельск), Шимолий (Арктика) федерал университети талабаси.

**Нилуфар ШИХЛИ,** Россия (Москва), журналист.

**Изабелла ТАН,** Филиппин, Филиппин Шеърият академияси котиби.

**Эллимаия СЕО,** Финляндия, Финляндия Таълим маркази етакчи мутахассиси.

**Денис ЭМОРИН,** Франция, “Париж йилномаси” нашри мутахассиси.

**Антонис ФОСТИЕРИС,** Юнон шоири, ҳуқуқ фанлари доктори, Афина миллий университети профессори

**Кимиё ТАНАКА,** Япония, “Шики Хайкусфер” лойиҳаси раҳбари.

**Муассис:**

“TAFAKKUR BULOG‘I” масъулияти чекланган жамияти

Таҳрир ҳайъати:

Акмал САИДОВ
Дилшод САИДЖАНОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Шароф УСНАТДИНОВ
Шуҳрат РИЗАЕВ
Рустамбек ШАМСУТДИНОВ
Муртазо СУЛТОНОВ
Аҳрор АҲМЕДОВ
Бахтиёр ИСҲОҚОВ
Тоштемир ТУРДИЕВ
Шуҳрат НОСИРОВ
Қўчқор НОРҚОБИЛ

**Ҳамкорларимиз:**

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи

**Бош муҳаррир Хосият РУСТАМОВА**

**Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета**

№ 4521 буюртма
Газета 2001 йил 8 декабрдан чиқа бошлаган.

ISSN 2010-6122

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0258 рақам билан 2012 йил 26 январда қайта рўйхатдан ўтган.

Саҳифаловчи: Шахобиддин МАХМАДИЕВ

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар:
(71) 244-36-97
244-36-99
244-36-90

e-mail:
kitobdunyosi@mail.ru

Материаллар газетадан кўчириб босилганда “Китоб дунёси”дан олингани кўрсатилиши шарт.

Баҳоси келишилган нархда

**Адади:** 5705

Босишга топшириш вақти – 19.00
Топширилди – 19.00
№ V – 4206

Газета “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ҳажми А-2 бичимда, 4 босма табоқ, офсет усулида